

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УЎК: 930.01(09)

АХМАДАЛИЕВА РАЪНОХОН ЎРИНБОЙ ҚИЗИ

**Антропогонез тарихини ўрганишдаги янги йўналиш ва
талқинлар**

5А 120301 – Ўзбекистон тарихи

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: тарих фанлари доктори,
профессор М.Ҳ.Исомиддинов

Фарғона – 2018

Ушбу диссертация Фарғона давлат университети “Тарих” кафедрасида тайёрланди ва кўриб чиқилди.

Кафедра мудири: т.ф.н., доцент С.Мирсоатова

Такризчи: У.Абдуллаев, Андижон машинасозлик институти
профессори, тарих фанлари доктори

Магистрлик диссертацияси 2018-йил _____ куни соат ____да Фарғона давлат университети Магистратура бўлими биносида ҳимоя қилинди.

Магистрлик диссертацияси билан Фарғона давлат университети Магистратура бўлими ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин.

Манзил: 150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19

ДАК котиби: _____ Р.Муродалиев

**МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ФЕРГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

Факультет:	Магистратура
Кафедра:	История
Магистрант:	Ахмадалиева Раънохон Уринбой кизи
Научный руководитель:	д.и.н. М.Х. Исамиддинов
Учебный год:	2016- 2018
Специальность:	5А 120301-История Узбекистана

АННОТАЦИЯ

диссертации Ахмадалиевой Раънохона Уринбой кизи на тему: «Новые направления и преимущества в изучении истории антропогенеза» на соискание ученой степени «магистр» по специальности – 5А 120301 Истории Узбекистана

Ключевые слова: homo habilis, homo sapiens, палеолит, антропологические исследования, древние предки человечества, костные останки древних людей, стоянки.

Объекты исследования: процесс антропогенеза в древнекаменном веке и антропологические исследования, проведенные учеными с XIX века до сегодняшних дней.

Цель работы: основной целью работы является изучение и систематизация материалов истории древних предков человечества. Осуществление источниковедение археологических и историко- культурных обобщений.

Методы исследования: на основе сравнительно- исторического, формально- типологического методов проведена типология археологических памятников, систематизация материалов по антропогенезу и других археологических находок.

Полученные результаты и их новизна: на основе изучения истории антропологических исследований, осуществлен детальный анализ процесса антропогенеза. Выделены особенности развития древних предков человека. Систематизированы данные по истории изучения антропогенеза.

Практическая значимость: диссертация вводит в научный оборот ранее неизвестные материалы по антропогенезу и дополняет сведения по изучению истории появления и развития человечества.

Область применения: результаты, основные выводы и положения, полученные в диссертации могут быть использованы при написании фундаментальных работ по истории и антропологии Ферганской долины.

Научный руководитель:

д.и.н. М.Х.Исамиддинов

REPUBLIC OF UZBEKISTAN
MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIAL EDUCATION
FERGHANA STATE UNIVERSITY

Faculty:	Department of Master's degree.
Student of Master's degree:	Axmadalieva Ranokhan Urinboy kizi
Department:	History
Adviser:	M.X. Isamiddinov
Academic year:	2016-2018
Speciality:	5A 120301- History of Uzbekistan

ANNOTATION

thesis of Axmadalieva Ranokhan Urinboy kizi on the scientific degree competition of Master of historical sciences on speciality 5A 120301 – History of Uzbekistan, on subject “New departures and interpretes on study of history of anthropogenesis”.

Key words: antropogenesis, Homo habilis, Homo sapiens, Paleolithic, anthropological researches, ancient ancestors of mankind, bone remains of ancient people, parking lot.

Object of the inquiry: The process of anthropogenesis in the drevnekamennom century and anthropological research conducted by scientists from the XIX century to the present day.

Aim of the inquiry: the main purpose of the work is to study and systematize the materials of studying ancient ancestors of mankind. Implementation of source-archaeological and historical-cultural generalizations.

Method of the inquiry: on the basis of comparative-historical, formally-typological methods the typology of archaeological monuments, systematization of materials on antropogenesis and other archaeological finds is carried out.

Practical value: The dissertation introduces early unknown materials on antropogenezu in scientific circulation and complements the information on the study of the history of appearance and development of mankind.

Sphere of usage: results, main conclusions and provisions, obtained in the dissertation can be used in the writing of fundamental works on the history and anthropology of Fergana.

Adviser:

M.X. Isamiddinov

МУНДАРИЖА

Кириш	7-15
I боб. Одам: пайдо бўлиши, шаклланиши ва тараққиёти	16-34
1.1. Одамнинг биологик тур сифатида пайдо бўлиши ва шаклланиши	16-26
1.2. Одамзотнинг пайдо бўлиши ҳақида олимларни илмий қарашлари	26-34
II боб. Антропогенез жараёни шаклланиши ва ривожланишининг тарихий аҳамияти	35-56
2.1. Палеолит даврига мансуб илк одам манзилгоҳларини ўрганилиш тарихи	35-45
2.2. Антропогенез жараёнининг тугалланиши ва унинг тарихий аҳамияти	45-56
III боб. Антропогенез тарихини ўрганишдаги йўналиш ва талқинлар	57-74
3.1. Антропогенез масалаларини XVIII-XIX аср олимлари томонидан ўрганилиши тарихшунослиги	57-70
3.2. XX аср олимлари томонидан антропогенез масалаларида чиқарилган асосий хулосалар ва уларнинг аҳамияти	70-74
Хулоса	75-77
Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати	78-82

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимиз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин тарихимизни ўрганиш борасида жуда катта ишлар амалга оширилди. Бунга биринчи Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг тарихчилар, журналистлар билан бўлган учрашувлари¹да ва турли анжуманларда сўзлаган нутқларида халқимизнинг топталган тарихини объектив ўрганиб, уни қайта кўриб чиқишимиз кераклиги, тарихни ўрганмай туриб келажакни куриб бўлмаслигини қайта-қайта таъкидлаганлари сабаб бўлди.

Ўзбек халқи ўзининг бой тарихи, узоқ ўтмиши билан доимо қизиқиб келган. Бу узоқ ўтмишда яшаган кишиларга ҳам хосдир. Энг қадимги замонларда ҳам одамлар ўз ҳудудларида кечган жараёнларга қизиқишган. У даврларда одамлар ўз тарихларини ота-боболаридан қолган ривоятлар асосида ўрганиб, ўзларидан кейинги авлодларга оғзаки етказганлар. Шундай энг қадимги даврларга ибтидоий давр тарихи ҳам киради. Юртимиз тарихи, қолаверса, бутун дунё тарихи ибтидоий давр тарихидан бошланади. Аммо тарих фани бўйича барча олимлар томонидан тан олинган илмий хулосаларга таянибгина ўша давр тарихи бўйича дарслик ёки ўқув қўлланмалар ёзиш мумкин дейишади. Бизнинг фикримизча, ибтидоий давр тарихи, айниқса, инсониятни вужудга келиши тарихи бундан мутлақо мустасно. Чунки бу давр тарихини ўрганиш учун ёзма манбалар деярли мавжуд эмас. Археологик ва антропологик материаллар бу давр тарихини ўрганиш учун камлик қилади. Этнографик материалларнинг энг қадимги даврга тадбиқ қилиш мумкин бўлганлари кўпи билан юқори палеолит, мезолит ёки неолит даврига тегишлидир. Ундан бурунги давр, масалан ўрта ва қуйи палеолит даврида яшаган аجدодларимизнинг ҳаётига оид этнографик параллеллар йўқ ҳисобида. Шунинг учун ибтидоий давр тарихига оид ўрганилмаган,

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Тошкент.: Фан, 1998.

ўрганилган бўлса ҳам етарли ечимини топмаган масалалар жуда ҳам кўп. Шу ўринда, ушбу тадқиқотимиз ҳам бугунги кундаги долзарб масала саналган давр тарихини имкон қадар ёритиш ва антропогенез жараёнини ўрганилишининг тадқиқига бағишланади.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Инсониятнинг қадимги даври ҳақида антик давр муаллифларининг асарларида дастлабки маълумотлар келтирилади. Юнон файласуфи Демокрит (мил.ав. 460-370) ибтидоий давр одамларининг ҳаётини тасвирлар экан, уларни бошпанасиз, кийим-кечаксиз, оловни билмай ва тартибсиз ҳаёт кечирганликларини келтириб ўтади. Аристотел, мил.авв. I асрнинг 1 ярмида яшаб ўтган файласуф Лукретсийнинг асарларида ҳам қадимги одамлар ҳаёти ҳақида айрим маълумотлар учрайди.

1813 йилда даниялик тарихчи Ведел Симонсен қадимги давр - тош, бронза ва темир даврига бўлинишини таклиф қилган бўсада археологик жиҳатдан исбот қилиб бера олмаган. Буни яна бир даниялик тарихчи, Копенгаген музейининг директори, археолог Кристиан Юргенсен Томсен (1788-1865) амалга оширади. У топилган моддий ашёларни 3 давр бўйича тақсимлаб чиқади. У аниқ бир даврни бермаган бўлсада, меҳнат курулларининг ясалиш услубларидан келиб чиқиб босқичларга бўлганлигини кўрсатади. Унинг бу фикри кўпчилик тарихчилар, хусусан немис мутахасислари томонидан қаттиқ танқид қилинади.

Швед археологи Гилдебранд Томсен билан танишгач, Лунд ва Стокгольмдаги музейларни унинг даврлаштириши бўйича тузади. Кейинчалик буни Германиядаги Шверин музейи директори Фредрих Мел ҳам амалга оширади. Шундай қилиб Томсеннинг археологик даврлаштириши бошқа тарихчилар томонидан қабул қилинади.

1832 йилда Франциянинг *Сомма дарёси* бўйидаги Аббивил шаҳри яқинида олиб борилаётган қурилиш ишлари жараёнида жуда катта, ҳозирги бирор ҳайвонга тенг келмайдиган суяк қолдиқлари, кремен тоши топилади. Бу топилмалар божхона амалдори, ҳаваскор археолог Буше де Пертга катта қизиқиш уйғотади.

XIX асрнинг 50 йилларида Олдувай (Танзания) дан кейин 2-ўринда турувчи қадимги манзилгоҳ - *Сент Ашель* топилади. Бу ердан жуда кўплаб тошдан қилинган “болталар” топилади (800 га яқин). Улар устида 25 йил давомида тадқиқот ишларини олиб бораган археолог Риголло уларни сохта эмаслигини тасдиқлайди. Кейинчалик, *Шелль* (Франсия), Испаниянинг Дордон департаментида Солютре ва Мустье манзилгоҳларининг топилиши тош даври қуролларининг ясалиш услуби ва техникасини ўрганишга йўл очиб берди. 1868 йилда Шимолий Испанияда Алтамир ғоридаги қоятош суратлари овчилар томонидан топилади ва археолог Савтуола томонидан ўрганилади. Бунга ўхшаш қоятош суратлари Дордондаги Ла-Мут ғорида археолог Эмил Ривьер томонидан ўрганилади. 1892 йилда биринчи марта Брасемпуида суякдан қилинган аёл ҳайкалчаси топилади.

Табиатшунос ва биолог олимлар ичида йирик тўнтариш яшашга муваффақ бўлган Ч.Дарвин ўзининг 1859 йилда чоп этган “Турларнинг келиб чиқиши ва табиий танланиш”² асарида одам учламчи даврнинг охирида яшаган одамсимон маймунлардан тарқалганлиги тўғрисидаги эътирофи дунё тан олган ғоя эди. Чарлиз Дарвин томонидан чоп этирилган “Одамнинг келиб чиқиши”³ номли асарида эса ибтидоий одам ва унинг шаклланиши борасида олимнинг кузатув ва тадқиқотлар давомида тўпланган мулоҳазалари баён қилинган.

Айрим антропологлар томонидан ҳозирда ҳам инсониятнинг шаклланиш, жисмоний тип сифатида ривожланиш даврини асосан учта катта даврга бўлиш ҳолати кузатилади: 1) питекантроплар босқичи, 2) палеантроплар босқичи, 3) неантроплар (ҳозирги одамлар) босқичи⁴. Аммо улар ўртасидаги чегарани белгилаш уларни бир хил ўлчовли қилиб қўйишади. Бу ўлчов бўйича питекантроплар ва неандерталлар ўртасидаги

² Charles Darwin. The origin of species and means of natural selection. A new edition, revised and augmented by the author. New York: D. Appleton and company. 1896.

³ Charles Darwin. The descent of man. -London: John Murray, Aluemarkle street. 1871.

⁴ Бунак В.В., Неструх М.Ф., Рогинский Я.Я. Антропология. Краткий курс. –Москва.: Учпедгиз, 1941. -380 с.

фарқ билан, ҳозирги замон одами ва неандерталлар орасидаги фарқ теппа-тенг кўрилади⁵.

Канадалик археолог олим М.Шазаннинг “Энг қадимги тарих ва археология”⁶ номли асари ҳам қадимги одамлар эволюцияси ҳақида маълумот берувчи фундаментал асарлар сирасига киради.

Ўрта Осиёда палеолит даврининг ўрганилиш тарихи 1938 йилдан бошланади. Бу йилда А.П. Окладников томонидан Тешиктош ғори топилади ва мустъе даври маданияти ҳамда неандертал типига мансуб одам суяклари топилади. Бу эса Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларида ҳам илк палеолит даврига оид ёдгорликларини топиб ўрганиш имконияти пайдо бўлди. Илк палеолит даври ёдгорликларида Д.Н.Лев, Б.А.Ранов, М.М.Герасимов, Р.Ҳ.Сулаймонов, М.Р.Қосимов, Н.Х.Тошканбоев, Ў.И.Исломовлар томонидан тадқиқотлар олиб бордилар⁷.

Шу ўринда, улар томонидан ёзилган ибтидоий давр тарихи ва антропогенез бўйича Ўзбекистонда, қолаверса, Ўрта Осиё ҳудудида ҳам кўплаб фундаментал асарларни айтадиган бўлсак, улар қаторига академиклар Я.Ғ.Ғуломов, А.А.Асқаров, Ў.И.Исломовларнинг “Қуйи Зарафшон воҳасининг ибтидоий давр маданияти ва илк суғорма деҳқончиликнинг келиб чиқиши”⁸, Р.Ҳ.Сулаймоновнинг “Обираҳмат ғори тош индустриясини математик усуллар билан ўрганиш”⁹ китоби, Н.Х.Тошкенбоев ва

⁵ Мирсоатова С.Т. Одамнинг пайдо бўлиши (Ўқув-услубий кўрсатма). –Фарғона., 2017.

⁶ Michael Chazan. World prehistory and archaeology (Pathway through time). -Toronto: Pearson. 2015.

⁷ Annayev T., Tilovov B., Xudoyberdiyev Sh. Boysun arxeologik yodgorliklari. – Т., 1999. Kabirov J., Sagdullayev A. O'rta Osiyo arxeologiyasi. – Т., 1990. Sagdullayev A. Qadimgi O'rta Osiyo tarixi. – Т., 2004. Авдусин Д.А. Основы археологии. – М., 1989. Амальрик А.С., Монгайт А.Л. Что такое археология. – М., 1966. Амальрик А.С., Монгайт А.Л. В поисках исчезнувших цивилизаций. М., Наука, 1966. Археологи рассказывают. Таджикгосиздат. – Сталинабад, 1959. Мартынов А.И. Археология СССР. – М., 1973. Григорьев Г.П. Начало верхнего палеолита и происхождение Хомо Сапиенс. – Л., 1968. Джохансон Д., Иди М. Люси. Истоки рода человеческого. – М., Мир, 1984. Древние цивилизации. – М., Мысль, 1989. Исламов У.И. Культура каменного века Центральной Ферганы. – Т., 1986. Каменный век на территории СССР. – М., Наука, 1970. Недостигающее звено. – М., Мир, 1977. Окладников А.П. Утро искусства. – Л., 1967. Палеолит СССР. Ранний палеолит Азиатской части СССР. Поздний палеолит Азиатской части СССР /Археология СССР. Отв. ред. П.И. Борисовский. – М., 1984. Первые люди. – М., Мир, 1978. Природа и древний человек. – М., Мысль, 1981. Технология производства в эпоху палеолита. – Л., 1983.

⁸ Гулямов Я., Исламов У., Асқаров А. Первобытная культура и возникновение орошаемого земледелия в низовьях Зарафшана. –Тошкент.: Фан, 1966.

⁹ Сулейманов Р.Х. Статистическое изучение культуры грота Обирахмат. Ташкент. «ФАН». 1972.

Р.Ҳ.Сулаймоновларнинг “Зарафшон водийсининг қадимги тош даври маданияти”¹⁰, С.П.Толстовнинг “Қадимги Хоразм”¹¹ номли китобларини киритиш мумкин. Ў.И.Исломовнинг кўп йиллик изланишлари натижасида кўлга киритилган асарлари¹² эса антропогенез жараёнининг илк даврлари ҳақида маълумот берувчи йирик тўплам ҳисобланади.

Тадқиқотнинг манбавий асослари. Ақл-идрокли одамлар дастлаб Ўрта ер денгизи, Қора ва Каспий денгизи атрофларида пайдо бўлган ва бошқа худудларга тарқалган деган фикрлар мавжуд. Мазкур жойлардан неантроплар қолдирган жуда кўп манзилгоҳлар, манзилгоҳлардан эса улар қолдирган моддий-маданий қолдиқлар ва ўша маданиятни яратган кишиларнинг суяк қолдиқлари бутун-бутун скелетлари топилган. Францияда Кро-Маньби, Комб-Канелл, Ориняк Италиянинг “Дололар ғори”, Грималди, Буюк Британиядан эса Баусо де Торре ғорларидан топилган топилмалар бунинг исботидир. Бу манзилгоҳлардан топилган одамларнинг суякларини ўрганган олимлар шундай хулосага келдиларки, бу одамларда антропогенез жараёни анча тезлашгани аниқланган.¹³ Чунки бу суяк қолдиқларини ёшига

¹⁰ Ташкенбаев Н.Х., Сулейманов Р.Х. Культура древнекаменного века долины Зарафшана. –Тошкент. 1980.

¹¹ Толстов С.П. Древний Хорезм. Опыт историко-археологического исследования. –М. 1948.

¹² Исламов У.И. Итоги и перспективы изучения пещерной стоянки Сель-Унгур // Проблемы взаимосвязи общества в каменном веке Средней Азии. Ташкент. 1988; Исламов У.И. Стоянка Кушилиш // У истоков древней культуры Ташента. Ташкент. 1982; Исламов У.И., Крахмаль К.А. Комплексные исследования древнепалеолитической пещерной стоянки Сель-Унгур // Раннепалеолитические комплексы Евразии. Новосибирск. 1992.

¹³ Алексеев В.П., Першиц А.И. История первобытного общества. Из-во Астрель, М.: 2007. – 350. Амальрык А.С., Монгайт А.Л. В поисках исчезнувших цивилизаций. Очерки археологии. М.: 1959. – 311 с. Аширов А. Этнология: ўқув қўлланма. Тошкент.: 2014.- 544 б. Боринская С.А., Хуснутдинова Э.К. Этногеномика: история с географией. Человек. №1. С. 19-30. <http://www.vigg.ru/humangenome/publicat/borinsks.html> Вишняцкий Л.Б. Неандертальцы: история несостоявшегося человечества. СПб.: Нестор-История. 2010. Дробышевский С.В. Эволюция мозга человека: Анализ эндокраниометрических признаков гоминид. М.: КомКнига. 2007. Деревянко А.П. Человек идет по свету. Наука из первых рук. №1 (4). С.18-21. <http://macroevolution.narod.ru/derevianko.htm> Захаров И.А. Центральноеазиатское происхождение предков первых американцев // Первые американцы. №11. С.139-144. http://www.evolbiol.ru/zaharov_indians.htm Кривошапкин А.И. Недостающее звено? // Наука из первых рук. №1 (4). С.27-29. <http://evolbiol.ru/krivoshapkin.htm> Марков А.В. Рождение сложности. Эволюционная биология сегодня: неожиданные открытия и новые вопросы. М.: Corpus. 2010. Марков А.В. Эволюция человека. В 2 кн. кн. 1: Обезьяны, кости и гены. М.: Астрель: CORPUS, 2011. – 464 с. Марков А.В. Эволюция человека. В 2 кн. кн. 2: Обезьяны, кости и гены. М.: Астрель: CORPUS. 2011. – 462 с. Марков Т.Е. История хозяйства и материальной культуры в первобытном и раннеклассовом обществе. М., 1979. Массон В.М. Экономика и социальный строй (по данным археологии). Л., 1976. Народы мира. Этнографические очерки: серия «Народы мира», в 18-ти книгах. М.: 1954-1962. Семёнов Ю.И. Происхождение брака и семьи. М., 1974. Столяр А.Д.

нисбатан кейинроқ яшаган одам суяги тузулиши олдингилардан фарқи сезиларли ўзгариб борганини кўрсатиб турибти. Одамларда антропогенез жараёни содир бўлишига меҳнат жараёни энг ката таъсир қилганини аввал ҳам айтган эдик. Бу фикрни давом эттирган ҳолда неандерталлардан аввал яшаган энг қадимги одамларни ҳаёт фаолиятини унутмаслик керак. Чунки неандерталлар ўз-ўзидан бу кўриниш ва ютуқларга эришиб қолмаганлар. Бунинг замирида неандерталлардан олдинроқ яшаган “Олдувай” одамларини ҳаёти ва турмуш тарзи ётибти. Неандерталлар олдувай туркумига кирувчи одамлар ютуғини ўзлаштиришлари натижасида шу ҳолга келганлар. Бундан ташқари неандерталлар яшаган иқлим шароити ҳам нисбатан илиқ эди. Аини неандерталлар даврида “Музлик даври” поёнига ета бошлаган эди. Бунинг натижасида неандерталлар фақат ғорларда эмас ташқари ҳудудларга ҳам тарқалганлар. Юқоридаги барча ҳолатлар антропогенез жараёни вужудга келиши учун шарт-шароитни юзага келтирган¹⁴.

Тадқиқотнинг хронологик чегараси. Қадимги тош даври ва XIX аср ўрталаридан ҳозиргача бўлган ушбу даврнинг ўрганилиши вақтини қамраб олади.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Мазкур ишнинг асосий мақсади жуда катта даврни ўз ичига олган тош даври ёдгорликлари, уларнинг тадқиқоти ва муаммоларни таҳлил этиш, улар ечимида жаҳондаги илғор услублар, назария ва янгича ёндошувларни қўллаш, шу асосда тош даври тарихи, жамоалар моддий маданияти ва антропогенез жараёнини ўрганилиши бўйича яратилган асарларни таҳлил қилишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг асосий мақсадидан келиб чиқиб, қуйидаги вазифаларни амалга ошириш белгиланди:

Происхождение изобразительного искусства. М., 1985. Токарев С.А. Ранние формы религии и их развитие. М., 1964. Токарев С.А. История зарубежной этнографии. М., 1978. Шнирельман В.А. Происхождение производящего хозяйства. М., 1989. Хрисанфова Е.Н., Перевозчиков И.В. Антропология. М., 1999. Этнология (Этнография): учебник для бакалавров. Под ред. В.А. Кузьмина, В.С. Бузина. – М.: Издательство Юрайт, 2014. – 580 с.

¹⁴ Алексеев В. Ибтидоий жамият тарихи. –Т., 1991. 380 б.

- антропогенез жааёнига бевосита дахлдор тош даври ёдгорликларининг ўрганилиши тарихини даврма-давр таҳлил қилиб, маълум бир тизимга солиш ва умумлаштириш;

- тош даврида меҳнат қуролларининг даврма-давр ривожланиши ва ўзгаришини аниқ материаллар асосида ёритиш;

- ибтидоий жамоа тарихининг тош даврига оид қисмининг ҳар бир босқичида юз берган иқтисодий ва ижтимоий туб ўзгаришларни юртимиз ёдгорликлари асосида ёритиш;

- антропогенез жараёнини тадқиқ этилиши борасидаги илмий тадқиқотларни таҳлил қилиш;

- антропогенез жараёни борасидаги йўналишлар ва талқинларнинг илмий асосларини тадқиқ қилиш ва умумлаштириш.

Тадқиқотнинг назарий-методологик асослари. Диссертация ишида тадқиқ этилаётган масалаларга тарихий ҳақиқат ва холислик нуктаи-назаридан ёндошилган. Биринчи президентимиз И.А.Каримовнинг асарларида тарихий тадқиқотлар олдига қўйган вазифалардан келиб чиқиб, мавзунини ёритиш бўйича илмий изланишлар олиб бориш кўзда тутилган¹⁵. Илмий муаммони ўрганиш ва таҳлил қилишда тарихий-фалсафий услублардан, яъни анализ ва синтез, системалаштириш, мавҳумликдан мураккабликка интилиш, қиёсий солиштирма, объектив ҳолатни таҳлил қилиш каби методлардан фойдаланилган. Шунингдек, илмий тадқиқотда XIX-XX асрларда тош даврини ўрганишда қўлланилган эволюцион назариядан фарқли равишда, янги ва замонавий прогрессив кетма-кетлик назарияси асос қилиб олинди.

Тадқиқот манбалари. Мазкур ишнинг манбалари сифатида юқорида номлари зикр қилинган олимлар ва тадқиқотчиларнинг илмий асарлари ва Wikipedia.com, Amazon.com, Gutenberg.com каби интернет сайтлари, хорижда нашр этилган илмий адабиётлардан олинган материаллардан ҳам фойдаланилди.

¹⁵ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент.1998, Б 1-31.

- Диссертацияда шу кунгача қўлланиб келинган назариялар ва уларни ўрганиш услублари кўрсатиб берилди;

- Ўзбекистонда тош даври археологик ёдгорликлари янги методологик услубда даврий шкаласи қайтадан кўриб чиқилиб, маълум бир тизимга солинди;

- Тош даври жамоалари маданиятининг келиб чиқиш илдизлари масаласига энг сўнгги илмий манбалар асосида ойдинлик киритилди;

- Ўзбекистонда ибтидоий даврда яшаган гоминидларнинг тараққиёти ва ўзгариши, уларнинг жаҳон ибтидоий тарихида тутган ўрни таҳлил қилиниб, унга муайян бир асосли аниқликлар киритилди.

- Диссертацияда шу кунгача қўлланиб келинган назариялар ва уларни ўрганиш услублари кўрсатиб берилди;

- Ўзбекистонда тош даври археологик ёдгорликлари янги методологик услубда даврий шкаласи қайтадан кўриб чиқилиб, маълум бир тизимга солинди;

- Тош даври жамоалари маданиятининг келиб чиқиш илдизлари масаласига энг сўнгги илмий манбалар асосида ойдинлик киритилди;

- Ўзбекистонда ибтидоий даврда яшаган гоминидларнинг тараққиёти ва ўзгариши, уларнинг жаҳон ибтидоий тарихида тутган ўрни таҳлил қилиниб, унга муайян бир асосли аниқликлар киритилди.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

- Диссертацияда шу кунгача қўлланиб келинган назариялар ва уларни ўрганиш услублари кўрсатиб берилди;

- Тош даври жамоалари маданиятининг келиб чиқиш илдизлари масаласига энг сўнгги илмий манбалар асосида ойдинлик киритилди;

- Ибтидоий даврда яшаган гоминидларнинг тараққиёти ва ўзгариши, уларнинг жаҳон ибтидоий тарихида тутган ўрни, антропогенез тарҳини ўрганилишига оид манбалар таҳлил қилиниб, унга муайян бир асосли аниқликлар киритилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Мазкур диссертацияда илк мартаба антропогенез жараёни борасидаги асарлар хулосалари умумлаштирилиб, яхлитланди ва бу жараённинг ўрганилиши бўйича ярилган йўналишлар ва талқинлар бир тизимга солинди.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертацияда келтирилган материаллар ва хулосалардан археологияга ва тарихий антропологияга доир илмий ва илмий-оммабоп асарлар ёзишда, олий ўқув юртларида археологияб тарихий антропология ва тарихий ўлкашунослик фанларига оид махсус курслардан маърузалар, семинарлар ўтишда, ўқув қўлланмалари яратишда, илмий мақолалар ёзишда фойдаланиш мумкин.

Илмий ишнинг апробацияси. Ушбу илмий иш юзасидан “Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда” мавзусида 2017-йилда Фарғона шаҳрида бўлиб ўтган республика илмий анжуманида “Палеолит даври янги тадқиқотларда (Фарғона водийси мисолида)”, 2018-йилда Фарғона шаҳрида бўлиб ўтган халқаро “Modern modification in the national education: theoretical and practical sciences” конференциясида “Инсониятнинг дастлабки аجدодлари ва палеолит даври” номли маърузалар қилиниб, апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Маҳаллий нашрларда муаллиф томонидан 1 та илмий мақола ва халқаро нашрда 1 та илмий анжуман тезиси эълон қилинган.

Тадқиқотнинг тузилиши. Мазкур диссертатсия кириш, учта боб, хулоса ҳамда фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхатидан иборат.

1 БОБ. ОДАМ: ПАЙДО БЎЛИШИ, ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ

1.1. Одамнинг биологик тур сифатида пайдо бўлиши ва шаклланиши

XX аср жаҳон археологияси фанида тош даври жамоалари моддий маданияти эволюцион назария асосида ўрганилган. Ҳозирги кунда жаҳон фанида одамзотнинг пайдо бўлиши ва унинг илк ватани ҳақида турли илмий қарашлар мавжуд. Улар жумласига моноцентризм ва полицентризм илмий назариялари асосий ғоялар сифатида киради.

Моноцентризм – энг қадимги гоминидлар, – ҳомо ҳабилислар, эргастерлар Африка қитъасида пайдо бўлиб, вақт ўтиши билан ер шарининг бошқа ҳудудларига тарқалганлиги тўғрисидаги илмий қарашдир. Бу назария тарафдорлари архаик кўринишдаги замонавий одамлар, яъни ҳомо сапиенс архаиклар ҳам ушбу қитъада, аниқроғи, Саҳрои Кабирда, бундан 200-150 минг йиллар муқаддам пайдо бўлиб, 100-80 минг йиллар аввал Яқин Шарқ ҳудудларига силжиб келишган деб ҳисоблайдилар. Лекин тадқиқотларда жисмоний жиҳатдан замонавий одамларга энг яқин тип ҳисобланган бу гоминидларнинг кейинги тараққиёт тақдири ҳанузгача маълум эмас. Негаки, ушбу назария тарафдорлари замонавий одамларнинг замондошлари ҳисобланган неандерталларни ҳеч қачон замонавий одамларга айланмаган ва улар ўзига хос хусусиятларга эга бўлган мустақил биологик тур деб, илмий талқин қилишади¹⁶.

Полицентризм – қадимги гоминидлар ер шарининг турли минтақаларида пайдо бўлган ва ўзининг мустақил тарақиётига эгаллиги тўғрисидаги илмий қараш ҳисобланади. Полицентристлар ўз илмий қарашларини кўп маданий қатламли, эталон археологик ёдгорликларнинг мавжудлиги, сўнгги неандерталларнинг нисбатан замонавий одамларга кўпроқ ўхшашликлари фактлари билан асослайдилар.

¹⁶ Grimand – Hervu Dominique, Serre Frederique, Bahain Jean-Jacques, – Histoired ancetres éditions Artcom. Paris. 2001.-P. 127.

Аммо, ҳали бирон бир назарий таълимот одамнинг пайдо бўлиши ва таракқий қилиши муаммоларига тўлиқ жавоб бера олмаган. Мазкур тадқиқотда археологик материалларни дунёнинг энг илғор палеоантропологик мактаблари илмий йўналишининг асоси ҳисобланган моноцентризм илмий назарияси нуқтаи-назаридан тадбиқ этилади.

Гоминидларнинг энг қадимгилари - Австралопитеклар «инсониятнинг бешиги», деб аталадиган Африка қитъасида пайдо бўлган. Яқин кунларгача уларнинг ватани Шарқий Африка ҳисобланарди. Бироқ Чад ҳудудларидан топилган ва 7 млн. йиллар билан саналанган янги топилмалар қадимги Австралопитекларнинг дастлаб Марказий Африка ҳудудларидан келиб чиққанлигини кўрсатмоқда¹⁷. Австралопитекларнинг баъзи турлари эр. ав. 1 млн. йилларгача яшаганлар.¹⁸

Гоминидларнинг навбатдаги типи – хомо хабилислар ҳам Африкада бундан 2,5 млн. йиллар муқаддам пайдо бўлган. Айнан улар дастлабки меҳнат қуролларини ясаган одамнинг ўтмишдошлари ҳисобланади¹⁹. Юқорида тилга олинган дастлабки гоминидларнинг ҳар иккала типлари ҳам Африка қитъасини тарк этмаганлар.

Мутахассисларнинг фикрича, бундан 2 млн. йиллар илгари, яна ўша эски дунёда гоминидларнинг янги физик типи – хомо эргастерлар пайдо бўлиб, ушбу тип биринчи марта Яқин Шарқ орқали Евроосиё материгига илк қадам қўйган ўтмишдошимиз ҳисобланади. Унинг қолдиқлари Грузиянинг Дманисси деган жойидан топилган ва унинг даврий санаси 1,81 млн. йиллар билан саналанган. Бу ҳозиргача Евросиё материгида маълум бўлган энг қадимги топилмадир²⁰.

Бундан 1,5 млн. йиллар муқаддам гоминидларнинг яна бир янги физик типи – хомо эректуслар Африка ва Евроосиёда кенг тарқалган. Евросиёда

¹⁷ Wood Bernard. Hominid revelations from Chad. News and views. Journal: Nature Publishing Group. Paris. 2002. -P. 133.

¹⁸ Lumley H. de et al. Origine et Évolution de l' Homme. Paris. 1984. -P. 93.

¹⁹ Leakey R. E. La naissance de l' Homme. Ed. du Fanal. Paris. 1981. -P. 255.

²⁰ Lordkipanidze D., Gagnepain J. La Géorgie berceau des Européens. Musée de Préhistoire de Gorges du Verdon Route de Montmeyan 04500 Quinson. 2003. -P. 26.

уларнинг энг қадимги қолдиқлари 1 млн. йиллар атрофида саналаниб, то 100 000 йилларгача яшаб келган²¹. Хомо эректуслар қолдиқларининг фанда энг машҳурларига Хитойда Синантроп, Ява оролида Питекантроп, Озарбайжондаги Азих ғори топилмалари, Франциядаги Тутавел одами қолдиқлари, Испаниядаги Атапурка, Италиядаги Изерния, Грециядаги Петралона материаллари ва ҳакозоларни киритиш мумкин.

Фарғона водийсидаги Селунгур ғоридан топилган манбавий ашёлар²² ҳам юқорида таъкидланган бебаҳо ёдгорликлар жумласидандир ва бу ерда аниқланган Фергантроп, яъни Фарғона одами аҳамияти жиҳатидан улардан қолишмайди. Шундай қилиб, Ўрта Осиё шу жумладан, Ўзбекистон ҳудудлари ҳам ибтидоий одам шаклланган ва таракқий қилган инсоният бешиқларидан биридир. Юртимиз илк палеолит даврининг бошлариданок одамнинг энг қадимги физик типларидан бўлган хомо эректуслар томонидан ўзлаштирилганлигини 1,5 млн. йиллар билан саналанган Фарғона водийсидаги Селунгур ва 550 минг йиллар билан саналанган Тошкент воҳасидаги Кўлбулоқнинг куйи қатламлари ёрқин мисол бўла олади.

Селунгур ғорининг 3-маданий қатламида олтига алоҳида тиш (3 та юқори қозиқ тиш ва 3 та пастки жағ тиш) топилган бўлиб, бу тишлар бир нечта турли жинсдаги индивидларга мансуб бўлиши мумкин. Шунингдек, Тешиктош боласига яқинроқ ёш боланинг ўнг елка суяги топилган. А. А. Зубовнинг таъкидлашича, Селунгур одами жағ тишларнинг морфологияси қатор архаик белгиларини сақлаб қолган, шу билан бирга эволюцион тарққиётда анчайин илгарилаб кетган ва замонавий одамга элтувчи асосий магистралдан четлашган мавжудот эканлигини кўрсатади. Елка суяги эса, антропологларнинг фикрича, Тешиктошдаги билан таққосланганда анча

²¹ Vandermeersch B. Dictionnaire de la Préhistoire. Universitaires de France, Paris. 1988. -P. 61 et 516.

²² Исламов У. И. Крахмал К.А. Палеэкалогия и следы древнейшего человека в Центральной Азии. Ташкент «ФАН». 1995.-С. 3-320.

архаик кўринишга эга²³. Шунингдек, Селунгурда энса суягининг бўлаги ҳам топилган, бироқ унинг илмий талқини нашр қилинмаган.

Ер юзининг турли қисмларидан геологик даврлаштиришнинг тўртламчи даврларига оид энг қадимги одам ва унинг аждодларининг суяклари топилган, аммо учламчи давр катламларидан фақат одамсимон маймунлар суякларининг турли қисмлари топилган. Шунинг учун ҳам палеонтологлар ва қиёсий морфология мутахассисларининг бу соҳадаги муваффақиятлари туфайли одамсимон маймунларнинг жисмоний тузилиши ва ҳаёт тарзи тўғрисида фикр юритиш имконияти туғилди.

Биолог олимлар ичида йирик тўнтариш яшашга муваффақ бўлган Ч.Дарвин ўзининг 1859 йилда чоп этган “Турларнинг келиб чиқиши ва табиий танланиш”²⁴ асарида одам учламчи даврнинг охирида яшаган одамсимон маймунлардан тарқалганлиги тўғрисидаги эътирофи дунё тан олган ғоя эди.

Айрим антропологлар томонидан ҳозирда ҳам инсониятнинг шаклланиш, жисмоний тип сифатида ривожланиш даврини асосан учта катта даврга бўлиш ҳолати кузатилади: 1) питекантроплар босқичи, 2) палеантроплар босқичи, 3) неантроплар (ҳозирги одамлар) босқичи²⁵. Аммо улар ўртасидаги чегарани белгилаш уларни бир хил ўлчовли қилиб кўйишади. Бу ўлчов бўйича питекантроплар ва неандерталлар ўртасидаги фарқ билан, ҳозирги замон одами ва неандерталлар орасидаги фарқ теппа-тенг кўрилади.

Шундай қилиб, XX асрнинг охириги ўн йилликларигача тарих фанида марксча-ленинча коммунистик назария ҳукмрон бўлиб, ҳатто ибтидоий жамиятдаги дастлабки одамларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихига ҳам синфийлик нуқтаи назаридан қараш устиворлик қилди. Формациялар,

²³ Исламов У.И., Зубов А.А., Харитонов В.М. Палеолитическая стоянка Селунгур в Ферганской долине \\\ ВА, вып. 80. Новосибирск. 1988. -С. 45.

²⁴ Charles Darwin. The origin of spesies and means of natural selection. A new edition, revised and augmented by the author. New York: D. Appleton and company. 1896.

²⁵ Бунак В.В., Неструх М.Ф., Рогинский Я.Я. Антропология. Краткий курс. –Москва.: Учпедгиз, 1941. -380 с.

одамнинг пайдо бўлишида ҳам фақат меҳнатнинг роли масаласи ҳамда уруғчилик тузумини ҳам сунъий равишда “ибтидоий коммунизм” билан боғлаш каби нотўғри назарияларга зўр берилди.

Аmmo ҳозирги даврда, яъни мустақиллик даврида масалалар холислик билан ўрганилиб, бундай “зўрма-зўраки” ғояларга кескин қарши бўлган назариялар ўша даврларда ҳам мавжуд бўлганлиги аниқланмоқда. Булардан бирида антропогенез тараққиётида иккита бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган сакраш бўлганлигини исботлашга уринилган.

Биринчи сакрашда дастлабки қуролнинг ишлаб чиқарилгани ва бу билан ҳайвонлик ҳолатидан шаклланаётган одамлар босқичига ўтиш бўлганлиги айтилади. Иккинчи сакраш эса юқори палеолитга ўтиш арафасида юз берган бўлиб, бу давр неандертал одамнинг ҳозирги замон одами билан алмашган даврига тўғри келади, деб қаралган. Бу жараённинг бошланишини одамларнинг узок ўтмишдошлари яшаган даврлардан белгилаш мумкин.

Жумладан, учламчи даврнинг охирида яшаган маймунларнинг энг одамга яқини дриопитек маймунлари бўлиб, улар Ғарбий Европа, Африка ва Осиёнинг турли қисмларидан топилган. Бу маймунлар турли типларга ажратилганда бир қанча оилалар фарқланган. Дриопитеклар приматлар бўлиб, ҳажми (катта-кичиклиги) жиҳатидан ҳозирги павианлар ва шимпанзеларни эслатади. Приматларнинг одамлардан катта фарқи озиқ тишлари билан курак тишларининг ораси очиқлигида эди. Шундай қилиб, дриопитек маймунлари одамсимон маймунлар томон катта қадам қўйган эди, яъни улар морфологик жиҳатдан анчагина бир-бирига анча яқинлашган эди. Марказий Осиё ҳудудларида, жумладан, Ҳиндистонда ва Грузияда юқорида келтирилган приматларнинг қолдиқлари топилган.

Кейинги яқин 100 йил давомида Жанубий ва Шарқий Африкада бир қатор антропоморф маймунларнинг суяклари топилдики, улар учта катта уруққа бирлашишади. Улар австролопитеклар, парантроплар ва плезиантроплар. Баъзи мутахассислар автралопитеклар оиласини

гоминидларга қўшишади. Бу маймунлар дриопитек маймунларидан катта фарқ қилишмаган, шу билан бирга мия ҳажмининг анча катталиги (550-600 см) билан ажралиб турган. Айниқса, улар ўрмонларда эмас, очик ерда юрганликлари сабабли икки оёқда юришга мослашганлиги уларнинг яна бир муҳим белгиси эди.

Охирги йилларда олиб борилган археологик изланишлар австролопитекларнинг яшаган даврини қуйи плейстоцен даври билан, балким, айрим топилмалар ўрта плейстоцен билан даврланиши ҳам мумкинлигини кўрсатмоқда. Бу ҳолат тўғрисида айрим тадқиқотчилар муносабат билдириб, австролопитеклар морфологик белгиларга кўра гоминидларнинг тўғридан-тўғри аждоди эмас, деган ғояни ҳам беришган. Австролопитеклар гоминидларнинг авлоди бўладими ёки йўқми, бу бошқа масала. Аммо уларни ўрганиш одамнинг аждодлари ким эканлигини ва шу билан бирга уларнинг турмуш тарзи қандай бўлганлиги тўғрисида маълумот беради.

Бундан яқин 3 миллион йил муқаддам Ер юзида одамнинг энг қадимги аждодлари пайдо бўлишади. Одамнинг шаклланиш жараёни жуда узоқ ва мураккаб йўл бўлди. Бу йўлдаги жуда тор кўприк ва табиатдаги турли ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган занжир охири “одам”га олиб келган. Бу йўлдан анча қулайроқ йўлга чиқишга ҳаракат қилганлар боши берк кўчага ҳам кириб қолишган. Аммо бундай ҳолга тушиб қолганлар ҳам келгуси “одам”ларга - дарахтнинг асосий бўғинига ўзларидан нимадир берган.

Австролопитекларнинг бир қанча турлари мавжуд бўлиб, улардан бири “жануб маймуни”дир. Унинг қомати анча кичик, лекин боши “одам” га (*Australopithecus africanus*) жудаям ўхшаб кетади. Бошқача айтганда, у, “маймунсимон” австролопитек эди. Бу одамсимон маймунлар икки оёқда юришар, аммо қоматлари у қадар тик эмас эди. Улар қурол ясашни ҳам билишмас эди. Оддий ёғоч, тайёр тош парчаларидан фойдаланишар эди.

1959 йилда Танзаниянинг Олдувай тоғи дараларидан бирида илк тўртламчи давр қатламларидан примат қолдиқлари топилди. Уни

археологлар **зинжантроп** деб атадилар²⁶. Суяклар нисбатан яхши сақланган бўлиб, зинжантроп одами тўғрисида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш имкониятини берди. Бу примат тана тузилиши жихатидан гориллани эслатар, аммо икки оёғида юрган, катта ҳажмдаги мияга эга бўлган, тишларининг тузилиш системаси одамникига ўхшар эди. Зинжантропнинг ёши 1,5 млн йил билан белгиланган. Зинжантропнинг суяклари тўлиқ топилиб, у тўғрисидаги маълумотлар ёзиб олинган бўлса ҳам, аммо унга тегишли тош қуроллари номаълумлигича қолди. 1959 йилда топилган зинжантроп қолдиқлари атрофидан тош қуроллари топилган. Лекин бу улардан қолган қуролларми ёки дарёнинг тагида бир-бирига урилиб синган тошми - буни аниқлашнинг имконияти бўлмаган. 1960 йилда Олдувай тоғларидан *Homo habilis*-уқувли одам қолдиғи зинжантроп қолдиғи қатламларидан кўра бироз чуқурроқ, қадимгироқ қатламлардан топилди. Шунинг учун янги топилма презинжатроп деб аталди. Презинжатроп қолдиқлари жуда ҳам зинжантропга ўхшайди, шу билан бирга, унинг бош суяги ва миясининг катталиги одамнинг мия тузилишига ўхшаш эди. Унинг ёши 1850 минг йил илгариги даврларга тўғри келиши аниқланган.

1967 йилдан бошлаб Эфиопиянинг Омо дарёсининг ҳавзасида яқин 30 йил мобайнида иш олиб борган халқаро экспедиция ходимлари ўндан ортик скелетни топишди ҳамда уларнинг суяк тузилиши австролопитекларга ҳослигини айтишди. Энг муҳими, калий-аргон усулида уларнинг ёши ўрганилганда презинжатроплардан икки марта қадимгироқ эканлиги, яъни 4 млн йилдан 2 млн йилгача бўлган давр билан даврлаштирилиши аниқланди. Шуниси ҳам муҳимки, шу қатламлардан топилган тош қуроллари шағал тошқотишмаларидан ясалганлиги ҳам маълум бўлди. Аммо бу ердан топилган тош қуроллари 2,1 млн йилдан илгариги даврларга оид, бу ҳам тош қуролларини презинжатроп суяклари атрофидан топилган тош қуролларидан кўра қадимгироқ эканлигини кўрсатади²⁷.

²⁶ Leakey R. E. La naissance de l' Homme. Ed. du Fanal. Paris. 1981. -P. 255.

²⁷ Мирсоатова С.Т. Одамнинг пайдо бўлиши (Ўқув-услубий кўрсатма). –Фарғона. 2017. –б.42.

Булардан ҳам муҳимроқ топилмалар 1965 йилдан бошлаб Кениянинг шимолий қисмида, Рудольф кўлининг бўйида топила бошлади. Луис Лики ва унинг ўғли Роберт Ликиларнинг жонбозлиги туфайли жуда кўп топилмалар кўлга киритилдики, улар австролопитекларнинг инсоният тарихида тутган ўрни ниҳоятда катта эканлигини кўрсатди²⁸. Айниқса, австролопитекларнинг пастки жағ қисми топилганлиги ва унинг ёши 5,5 млн йил билан даврланганлиги муҳимдир. ўша катламлардан шағал тошқотишмаларидан ясалган қуроллар топилдики, уларнинг ёши Омо дарёси ҳавзасидан топилган тош қуролларидан кўра 500 минг йил қадимгироқ эди, яъни бу тош қуролларига 2,6 млн. йил бўлган.

Австролопитекларнинг суяклари топилган жойдан тош қуролларининг топилиши, уларнинг орқа оёқларида юришга мослашганликлари аниқланди. Қоматининг прогрессив тузилиши ва морфологияси туфайли уларнинг ҳаммасини (австролопитеклар, парантроплар ва плезиантроплар) гоминидлар оиласи (австролопитеклар субоиласи)га кўшишган. Қолган кейингироқ ва анча прогрессив шакллари эса иккинчи гоминидлар оиласи (гоминид, ёки одамлар субоиласи) ни ташкил қилиши аниқланди.

Австролопитеклар қандай материаллардан фойдаланиб қуроллар ясаган ва уларнинг қуроллари қандай шаклда бўлганлиги жуда қизиқ. Юқорида айтганимиздай Жанубий Африкада австролопитекларнинг суяклари билан бирга жуда кўплаб бошқа йирик суяклар ва туёқли ҳайвонларнинг шохлари топилган. Шу топилган суякларнинг кўпида уларни қурол сифатида ишлатганликлари ва бунинг учун уларни қайта ишлаганликларининг излари бор.

Лекин асосий қурол тош қуроллар эди. Бу тош қуроллари суякдан ясалган турли санчқичлар билан бирга “олдувай маданияти” деган ном билан аталди. Ҳозирги пайтда барча археологлар томонидан олдувай маданиятидан топилаётган қайроқтош қуролларининг палеолит даври индустриясининг бошланиш қисмига оидлиги тан олинган. Улар тош қуролларини яшаш учун

²⁸ Leakey R. E. La naissance de l' Homme. Ed. du Fanal. Paris. 1981. -P. 250.

асосан икки хил тошлардан фойдаланишар эди. Уларнинг бири дарёларда кўп учрайдиган қайроқтош бўлса, иккинчиси тоғлардан келтирилган харсанг бўлаклари эди. Айнан шу қайроқтошлар жуда кўпол бўлса ҳам иккинчи тош билан уриш йўли орқали бироз қайта ишланган. Бу тош қуролларини яшашнинг системаси ишлаб чиқилмаган, яъни қуролни кесадиган қисмини икки томонлама ишлаш йўли билан ўткирлаш ёки унинг ушланадиган қисмини атайлаб силлиқлаш усуллари бир хил ва мунтазам тарзда бўлмаган. Шунинг учун ҳам бу ердан топилган тош қуролларини дарёнинг остидан топилган оддий тошдан фарқи бўлмаган. Нима бўлганда ҳам олдувай тош қуролларини яшаш усуллари бу энг қадимги одамларнинг мақсадли ҳаракатлари туфайли вужудга келган индустрия бўлиб, айнан шу асосда палеолит даври маданиятлари ривожланди.

Бундан ташқари австролопитеклар яшаган жойлар ўрганилганда у ерларда йирик харсанг тошларнинг тартиб билан жойлаштирилганлиги аниқланди. Бундан келиб чиқиб, австролопитеклар текис ерларда истехком, кулба ёки уй қуришга ҳаракат қилган бўлишлари мумкинлиги тўғрисида ҳам тахминлар бор. Агар ҳақиқатан ҳам шундай бўлса, австролопитеклар турар-жойлар қуриш бўйича ҳам катта прогрессга эришганлар, десак хато қилмаган бўламиз.

Африкадан австролопитеклардан қолган жуда катта ва нодир топилмалар топилмагунча инсониятнинг тарихи бир миллион йилдан ошмаётган эди. Шу билан бирга жуда ҳам қадимги даврга ишора қилаётган, лекин етарли асосга эга бўлмаган қарашларга ишониб инсониятнинг келиб чиқиши даврларини жуда ҳам қадимлаштириб юбормаслигимиз керак. Ҳар қандай археолог ўзи топган топилмасини, шу жумладан, жуда қадимги даврларга оид топилмаларнинг даврини янада қадимгироқ бўлишини истайди. Лекин истакнинг ўзи билан фанни ривожлантириб бўлмайди. Бундай истакка ҳаддан зиёд берилмай, археолог ўша топилган суякларнинг морфологиясини ўрганиши, ундаги иккинчи даражали, яъни қадимги даврларга оид бўлса-да, келажакда прогресс томон ривожланмаган белгили

материалларни чиқариб ташлаши лозим. Шундай нуқтаи назар билан караганимизда антропогенезнинг бошланиши даврига 2,5-3 млн. йил бўлган, десак хато қилмаган бўламиз. Шу даврдан бошлаб қадимги аждодларимиз тўғри, тик юришга мослашган ва бу нарса унинг миясининг ривожланишига ҳам таъсир этган.

Юқорида эслатилган учламчи даврнинг охири, тўртламчи даврнинг бошларига оид антропоморф приматларнинг, шунингдек, австролопитекларнинг қолдиқларини палеонтологик ўрганиш масаланинг анча мураккаб эканлигини кўрсатади. Шу билан бирга бу топилмаларнинг географияси ўрганилганда унинг тарқалиш ҳудуди бутун Эски дунёни эгаллаганлиги аён бўлди. Бу ҳудудларнинг геологик, палеозоологик, палеоботаник ва палеоиклимий ҳолатлари ўрганилганда, Марказий ва Жанубий Африка, Марказий Осиё ҳудудларининг кенг майдонлари приматларнинг яшаши учун қулай жойлар бўлганлиги, шунинг учун ҳам антропогенез жараёнларининг илк босқичлари ўша ерларда ўтган бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Лекин илк антропогенез жараёнида Евроосиё материги устунлик қилганми ёки Африка материги устунлик қилганми деган савол очиқлигича қолади.

Ўз пайтида Ч.Дарвин Африкадан топилган антропоид суякларни текшириб, Ер юзида энг қадимги одам пайдо бўлган жой Африка бўлиши мумкинлигини айтган эди²⁹. Лекин XX асрнинг бошларида ривожланган приматларнинг Ҳиндистондан, кейинроқ Хитойдан топилиши торози тошини Осиё фойдасига ҳал қилишга имкон берди. Кейинги даврларда Африкадан австролопитек маймунларидан зинжантроп, презинжантроп ва уларнинг бошқа шаклларининг топилиши илк инсоният бешиги Африкада бўлганлигини яна қувватлади. Ҳар ҳолда ҳозирги пайтда бу нуқтаи назар тарафдорлари кўпчилиқни ташкил қилмоқда.

²⁹ Charles Darwin. The origin of species and means of natural selection. A new edition, revised and augmented by the author. New York: D. Appleton and company. 1896. –P.125.

Учламчи даврнинг охири ва эоплейстоцен даврида Африкада, Европанинг, Осиёнинг жанубий қисмларида кўплаб одамсимон маймунлар яшашар эди. Бу маймунларнинг жисмоний тузилиши, яшаш тарзи қадимги одамларнинг пайдо бўлишида катта роль ўйнади. Айнан шу маймунлар шундай йўлга яқинлашишдики, бу йўл уларни энг қадимги одамларга олиб келиб туташтирди. Бу маймунлар сирасида Кавказнинг Гареждинск маконидан топилган удабнопитекдан ташқари Жанубий Хитойдан топилган гигантопитек, Ява оролидан топилган мегантроп ва бошқа австролопитеклар киради. Уларнинг кўпчилиги жуда ҳам тез кетаётган табиий танланиш жараёнлари туфайли қирилиб кетди. Бу маймунлар тез ўзгариб бораётган ҳаёт шароитига мослаша олмадилар. Бу ҳақиқий эволюцион тегирмон эди. Табиий шароитга мослаша олмаган шундай маймунлардан бири гигантопитеклар бўлиб, улар жуда ҳам тезлик билан жисмонан катталашиб кетдилар. Натижада пластик жиҳатдан эгилувчан бўлмаганликлари сабабли бу маймунлар шароитга мослаша олмадилар ва уларнинг ҳаммаси қирилиб кетди.

Табиий танланиш давомида шароитга мослаша олмаган жуда кўплаб ҳайвонлар, масалан динозаврлар қирилиб кетган.

Демак, одамнинг пайдо бўлишида ижтимоий муносабатлар, онг ўсиши билан бирга табиий омиллар ва табиий танланиш ҳам катта роль ўйнаган.

1.2. Одамзотнинг пайдо бўлиши ҳақидаги илмий қарашлар

Одамнинг келиб чиқиши масаласи устида олимлар манба бир неча юз йиллардан бери тадқиқот олиб борадилар, бу масала бўйича турли нуқта синавлар мавжуд бўлиб, лекин уламинг баъзилари ўз исботини хали топганича йўқ. Одамнинг чиқишини ва ривожланиши жараёни тарих фанида Антропогенез - юнонча «антропос» одам, «генезис» ривожланиши деб айтилади.

Одамнинг келиб чиқиши, кишилик жамиятининг пайдо бўлиши, унинг

ривожланиши ва таракқиёти тўғрисида фанда турли хил ёндашувлар, қарашлар мавжуд. Биз уларни иккигага бўлиб ўрганамиз. Биринчиси диний қараш ва иккинчиси дунёвий қарашдир. Биз яшаб турган моддий дунё азалдан бўлганми? Ерда ҳаёт қачон пайдо бўлган, одам қандай пайдо бўлган каби масалаларда диний ва илмий адабиёт бир-бирини инкор этувчи хулосалар билан ёндашади. Якка ҳудудлик ғоясини илгари дунёдаги барча динлар биз яшаб турган ҳаётдаги барча борлиқни, одомзоднинг ўзини ҳам худойи-таоло томонидан яратилганлигини башорат қилади. жумадан: Бибияда одамни худо етти минг йил аввал «қизил лойдан» яратилганлиги таъкидланади.

Бу ғоя Қуръони Каримда хали ўз аксини топган. Ислом дини ғояси ривоятларига қараганда «Худойи таоло қудрат кучи билан тупроқни ҳамир билан Одамнинг шаклини ясаб «унга» қирқ кун бўлганда жон беради». Момо Хавони эса Одам Атонинг «чап бикинидан» яратди. Кишилиқ жамияти Одам Ато ва Момо хаводан тарқалган эмиш, одам алайхиссалом бир юз қирқ ёш умр қурибдилар. Бу давр мабойнида Одам Ато ва Момо Ҳаводан 41 фарзанд дунёга келибди.

Одамзоднинг биринчи вакиллари Қуръони Каримда Одам Ато ва Момо Хаво, «Библия» да Адам ва Ева, зардуштийлик динида эса ийим номлари остида берилади. Фанда одамнинг пайдо бўлиши ҳақида эволюцион таълимот мавжуд. Айниқса ҳозирги пайтда антропогенез мавзуси кўпдан кўп янги фикр мулоҳазалар билан боғланган. Масалан кўринмас одам ёки бошқа коинотдаги одамларнинг ер юзида тарқалиши ва бу назарияларнинг кўпгина тарафдорлари бор ва уларни одамзотнинг пайдо бўлиши муаммоси биргина биология фанининг вазифаси бўлмай, балки бу жумбоқ айни вақтда археология ва антропология фанининг ҳам вазифасидир. Бу муаммони илмий ва илоҳий эчими мавжуд. Якка худойликни жорий этган барча жаҳон диний таълимотларида одамзотнинг яратилиши илоҳиёти билан боғланади. Масалан, "Библия" да одамзот худо томонидан бундан 7 минг йил бурун "қизил лой" дан яратилди дейилади. Қуръони Каримда эса одамнинг лойдан

яратилганлиги ва Оллоҳнинг иродаси билан унга жон киритилгани ҳақида таъкидланади. Хатто зардуштийлик динида ҳам шунга ўхшаш ривоят ҳикоя қилинади. Одамзотнинг биринчи вакиллари сифатида "Библия" да Адам ва эва, Қуръони Каримда Одам Ато ва Момо Ҳаво, зардуштийлик динида эса Ийши номлари келтирилган.

Одамнинг пайдо бўлиши ҳақида олимлар ўртасида ҳар хил карашлар мавжуд. Масалан, европалик олимлардан О.Шенглер “одамзоднинг энг қадимги аجدодларини биз билмаймиз, одам ҳамма вақт ҳозиргидек эди”, дейди. У билан ҳамфикр Кнейшмид эса одамнинг онги бўлганини айтади. Тибетликларнинг тасавурида тоғ алвастисининг маймунлар билан жинсий алоқа қилганликлари натижасида тибетликлар пайдо бўлган эмиш. Одамзоднинг пайдо бўлиши ҳақида шунга ўхшаш ривоятлар айниқса инсоният тарихида якка худоликни жорий этиш динларнинг пайдо бўлишига қадар кўпинча халқлар оғзаки ижодиётида мавжуд эди.

Одамнинг пайдо бўлиш масаласида фан оламининг ўз йўналишлари бор. Олимлар одамнинг пайдо бўлиш муаммоси билан қадимдан шуғулланишган. Масалан, юнон олими Арасту табиатни бир қарвонга ўхшатиб, одамзод қуйидан юқорига, оддийдан мураккабга, ҳайвонот оламидан одамзот дунёсига ўсиб чиқди, деган фикрни олға сурган. У ҳайвонот билан одам ўртасида "маймун" ни жойлаштирди. Ўрта асрларда бу масалада ғайри диний фикр билдирганлар оловга ташланди. Масалан файласуф Лючило Ваннининг (Италия) тақдири шундай тугаган эди. Швед олими Карл Линней одамзоднинг келиб чиқишини ҳайвон билан боғлайди, аммо у инсондаги онглилик Оллоҳнинг қаромати эди, дейди. XVIII асрнинг охирида Жемс Манбодда биринчи бўлиб одамнинг энг олий типдаги одамсимон "маймун" дан тарқади, деган ғояни олға суради. Манбодданинг замондошлари олий типдаги "маймун" сифатида орангутангни тушундилар. "Маймун"ларнинг одамга айланишида меҳнатнинг роли катта эканлиги таъкидланди. Аммо улар орангутанг меҳнат қилса ҳам ундан ҳеч қачон одам

пайдо бўлмаслигини тушунадилар³⁰.

Одамзоднинг энг олий типдаги маймунсимон аждодлар билан боғликлиги ҳақида илмий ғоя Чарлз Дарвинга насиб этди. Ч.Дарвиннинг бундай хулоса келишига қадар Европада қатор илмий кашфиётлар қилинган эди.³¹

1848 йилда испаниялик ишчилар Гибралтар қоясида портлатиш вақтида энг қадимги одамнинг пастки жағсиз калта суягини топдилар. 1956 йилда эса Германиянинг Неандертал водийсида Фелдгофер ғорини тозалаш вақтида Гибралтар топилмасига замондош одам бош суягининг қопқоғи ва унинг бошқа суяклари топилди. Олимлар уларнинг мия суягининг ҳажмини ўлчаганда у 1400 куб, сантиметрга яқин бўлиб, онгли одам бош суягига ўхшаб кетарди. Бу икки топилма жаҳон тарихига неандертал одами номи билан киритилди. Олимлар неандертап яшаган даврни 100-40 минг йил билан белгиланадилар.

1856 йилда Франтсуз палеонтолог Ларте Австриянинг юқори Гранна деган жойида эр тарихининг миотсен ётқизикларидан (бундан 5-12 млн йил бурун) энг олий типдаги одамсимон "маймун"нинг учта тиши билан пастки жағини топди. Унга олимлар дриопитек (дарахтда юривчи "маймун") деб ном беришди. Ҳозирги вақтда дунёнинг ҳар хил жойларидан дриопитекларнинг 10 дан ортиқ хиллари топилди. Лекин улар Австрия дриопитекидан фарқли бўлиб, уларнинг айримлари олимлар хулосасига кўра шимпанзе, гиббон, орангутанг, горилла каби Ҳозирги замон маймунларини аждодлари эди. Австрия топилмаси Ч. Дарвин томонидан синчиклаб ўрганилди ва унинг тишларида одамзод тишларига хос белгилар борлиги исботланди. Ч.Дарвин бу одамсимон "маймун" дриопитекда одамзоднинг аждодини кўра билди. У яратган таълимотга кўра бошқа дриопитеклардан одамзод аждодининг тарқалиши мумкин эмас. Дарвин дриопитеки аллақачон ўлиб кетган. Ундан қолган из сўнги авлод эди. Бошқа дриопитеклардан одамзоднинг илк

³⁰ Джохансон Д., Иди М. Люси. Истоки рода человеческого. – М., Мир, 1984 с 99

³¹ Klein R., Blake E, The Dawn of Human Culture. N,-Y.2002. P.77

аждодлари пайдо бўлганидек, Ҳозирги замон маймунларидан ҳам ҳеч қандай одам тарқалмаган.

Одамнинг пайдо бўлиши ҳақидаги эволюцион назарияда Австрия дриопитеки билан неандертал одами ўртасида албатта ибтидоий аждодларимизнинг оралиқ вакиллар бўлиши муқаррарлиги таъкидланган. 1926 йили Гибралтар қояси раёнидаги ғордан яна ибтидоий одам суяклари ва тош қуроллари билан иккита неандертал одами скелети 1924 йили Қримдаги Кийиккабо ғорида топилди. 1938 йилда шунга ўхшаш топилма Ўзбекистоннинг Тешиктош ғоридан қазиб олдилар. Ҳозирги кунда бундай топилмалар дунёнинг 50 дан ортиқ нуқталарида учратилган. Неандертал типидagi бу аждодларимиз бош суягининг ҳажми 1300-1400 куб сантиметрдир³².

Одатда, росмана одам бош суягининг ҳажми 1400-2000 куб сантиметрдан ошмайди. 1890 йилнинг ноябрида голландиялик олим эвгений Дюбуа Индонезияга қарашли Ява оролида Кедунг-Броус дарёси соҳилидаги қатламдан одамнинг пастки жағини топди.

Ибтидоий давр тарихини ўрганган олимлар ичида XVIII асрда яшаган Карл Линней одамнинг тирик табиатдаги ўрни тўғрисида фикр юритиб, ўша даврдаёқ сут эмизувчилар ичида маймунларни приматлар гуруҳига қўшди ва энг муҳими биринчилардан бўлиб одамни ҳам шу маймунлар гуруҳига, ҳайвонлар подшолигига кирази деб айтди. Бундай ишлар XVIII асрнинг ўрталари ва XIX асрнинг бошларида ҳам амалга оширилди. Жумладан, инглиз зоолог олими Томас Гексли ва швейсариялик анатом Карл Фогтлар ҳайвонлар анатомияси ва систематикаси бўйича тадқиқотлар олиб бориб, одамнинг одамсимон маймунлар билан энг яқин қариндош эканлигини ёзишди. Ҳайвон аждодларимиз- қандай қилиб одамга айланиши мумкин деган савол туғилади. Франсуз олими Ламарк, одамнинг келиб чиқиши ҳақидаги ўзининг барча фикрларини 1809-йилда нашр эттирган «Зоология

³² Ларичев В.Е. Поиски предков Адама. // Мироздание и человек. М., 1990. 242 б.

фалсафаси» китобида баён этган. У одам ҳам бошқа организмлар каби эволюция натижасидир деб ёзган эди. Бироқ Ламарк ўзининг фикрларини очиқ айтаолмади. Ламаркка қадар 1775-йили одамнинг хайвондан келиб чиққанлиги ҳақида Афанасий Каверзнев айтган эди³³. 1871 йилда Чарлз Дарвиннинг “Одамнинг келиб чиқиши” номли китоби чиққандан кейин антропогенез бўйича чоп этилган барча билимларга хулоса ясади ва одамнинг келиб чиқиши хайвонот олами билан боғлиқ эканлигини исботлаб берди. XIX аср охири ва XX аср бошларида олиб борилган археологик изланишлар даврида топилган топилмалар, сон-саноксиз янгиликлар туфайли одамнинг умумий аجدодлари хайвонлар эканлиги тўғрисидаги назария исботланди.

Приматларнинг барча жиҳатдан тан олинган умумий классификацияси (туркумлаш) йўқ. Бу хайвонларни қанчадан-қанча олимлар классификация қилган бўлсалар, натижалар ҳар доим ҳам бир хил чиққан эмас, аксинча деярли ҳаммаси турли даврларда ҳам турлича чиққан. Бу, албатта, табиий ҳол. Чунки олимлар приматларни ўрганиш давомида уларнинг турли гуруҳларида, турлича белгилар асосида янги турларни топишган. Шундай бўлиши ҳам керак, чунки, ҳамма бир овоздан битта назария бўйича “якдил овоз” берсалар, бунда фанда умуман ривожланиш бўлмайди. Лекин приматларнинг турлари бўйича қилинган бу классификацияларнинг барчасида одамсимон маймунлар ёки антропоморф маймунлар алоҳида оила сифатида ажратилади ва бу назария барча олимлар томонидан умумий эътироф этилган ғоядир.

Чарлз Дарвиннинг биолог олим сифатида буюклиги ҳам шундан иборатки, у биринчилардан бўлиб одамсимон маймунларда одамларнинг энг узоқ аجدодларини кўрди. Ҳатто ҳозирги замоннинг энг ривожланган фани нуқтаи назарлари ҳам Дарвин таълимоти фикрларини тўлиғича маъқуллайди. Дарвин таълимоти кенг тарқалгандан кейин жуда кўплаб биолог олимлар барча маймунларнинг классификацияси билан жиддий шуғулландилар. Аммо

³³ Шумейко А.И. Одамнинг келиб чиқиши. –Тошкент., 1964. –б.19.

турли олимлар томонидан қилинган классификацияда приматлар гуруҳи турли типларга ажратилади. Приматлар гуруҳи яна типларга ажратилганда ҳам уларнинг ичида барча биологлар томонидан “гоминидлар оиласи” алоҳида ажратиладики, унга одамлар ҳам киради. Бу оилага кирувчиларда энг аҳамиятли жиҳат ривожланган мия мавжудлигидир. Приматларнинг бошқа биронта ҳам тури бунчалик катта мияга эга эмас. Шунинг учун ҳам ҳозирги приматларнинг биронтаси одамнинг ўтмишдаги бир бўғини сифатида қаралиши мумкин эмас, чунки уларнинг айнан миялари одамникидай ривожланган эмас. Аммо ҳозирги замон медицинаси, айниқса, генетиклар тузилиши бўйича одамларга энг яқин маймун шимпанзе эканлигини айтишмоқда. Шундай қилиб, ҳатто анатомик нуқтаи назардан ҳозирги замон одами ва унинг авлодлари бир нечта ўзига хослик белгилари билан бошқа приматлардан, ҳатто одамсимон маймунлардан ҳам фарқ қилади ва алоҳида оила сифатида ажратишни тақозо қилади.

Гоминидлар оиласи белгиларини турли мутахассислар турлича талқин қилишларига қарамай бир қатор олимлар Ҳомо таркибини ажратиб, бунга ҳозирги замон одами ва археологик қазилмалардан топилган ҳамма авлодларини қўшишади. Гоминидларнинг энг қадимгилари – австролопитеклар „инсоннинг бешигиъ деб аталадиган Африка қитъасида пайдо бўлган. Яқин кунларгача уларнинг ватани Шарқий Африка ҳисобланарди. Бироқ Чад ҳудудларида топилган ва 7 млн йиллар билан саналган янги топилмалар қадимги австролопитекларнинг дастлаб Марказий Африка ҳудудларидан келиб чиққанлигини кўрсатмоқда³⁴. Австролопитекларнинг баъзи турлари эр. авв. 1 млн йилларгача яшаганлар.³⁵

Гоминидлар навбатдаги типи –хомо хабилислар бундан 2,5 млн йиллар муқаддам Африкада пайдо бўлган. Айнан улар даслабки меҳнат қуролларини ясаган одамнинг ўтмишдошлари ҳисобланади.³⁶ Бундан 2 млн йиллар илгари,

³⁴ Wood Bernard. Hominid revelations from Chad. News and wies. Journal: Nature Publishing Group Paris.: 2002.- P.133.

³⁵ Lumley H.de et.al. Orgine et Evolution de l' Homme. Paris.: 1984.P.93.

³⁶ Leakey R.E.La naissance del' Homme. Ed.Du Fanal. Paris.: 1981.-P.225

яна ўша дунёда гоминидларнинг янги физик типи –хомо эргастерлар пайдо бўлиб, ушбу тип биринчи марта Яқин Шарқ орқали Евроосиё материгига илк кадам қўйган ўтмишдошимиз ҳисобланади. Унинг қолдиқлари Грузиянинг Даминисси деган жойидан топилган ва унинг даврий санаси 1.81 млн йиллар билан саналган. Бу Евроосиё материгида маълум бўлган энг қадимги топилмадир³⁷. Бундан 1.5 млн йиллар муқаддам Африкава Осиёда гоминидларнинг яна бир физик типи хомо эрестуслар кенг тарқалган. Евроосиёда уларнинг энг қадимги қолдиқлари 1млн йиллар атрофида саналиб, то 100 000 йилларгача яшаб келган³⁸. Хомо эрестуслар қолдиқларининг фанда энг машхурларига Хитойда Синантроп, Ява оролида питекантроп, Озарбайжондаги Азих ғори топилмалари, Франциядаги Тутавел одами қолдиқлари, Испаниядаги Атапурка, Италиядаги Изерния, Грециядаги Петралона материллари ва бошқаларни киритиш мумкин.

Фарғона водийсидаги Селенғур ғоридан топилган манбавий ашёлар ҳам юқорида таъкидланган бебеҳо ёдгорликлар жумласидандир. Бу ерда аниқланган Фергантроп, Фаръона одами тарихий қиймати ва аҳамияти жиҳатидан ҳеч ҳам улардан қолишмайди. Шундай қилиб, ўрта Осиё шу жумладан, ўзбекистон ҳудудлари ҳам ибтидоий одам шаклланган ва тараққий қилган „бешикъялардан биридир. Фарғона водийсидаги Селунғур ва 550 минг йиллар билан саналган Тошкент воҳасидаги кўлбулоқнинг қуйи қатламлари юртимиз илк палеолит даврининг бошларидаёқ одамнинг энг қадимги физик типларидан бўлган хомо эрестуслар томонидан ўзлаштирилганлигини исботловчи ёрқиндалилдир.

Одатда Ҳомо таркибида иккита тур ажратилиб, уларнинг бири ҳозирги замон одами ёки онгли одам - Ҳомо сапиенс, турига ва иккинчиси қазишмалардан топилган оддий одам, Ҳомо примигениус, ёки Ҳомо

³⁷ Lordkipanidze D., Gagnepain J. La Georgie Berceau des Européens. Musée de Préhistoire de Gorges du Verdon Route de Montmeyan 04500 Quinson. 2003.P.26.

³⁸ Vandermeersch B. Dictionnaire de la Préhistoire. Universitaires de France, Paris.; 1998.-P61 et 516.

эреустларга ажратилади. Иккинчи тур одамларининг жуда кўплаб қолдиқлари археологик қазилмалардан топилган³⁹.

Ҳозирги замон одами приматлар отрядининг гоминидлар оиласига ва Ҳомо уруғининг сапиенс турига киради. Ҳозирги инсоният ирқлари орасидаги фарқлар аниқ кўриниб турадиган белгиларга асосланганлиги учун уни оддий кишилар ҳам ажрата олади. Аммо бу фарқлар иккинчи даражали фарқлар бўлиб, улар ҳаётини нокерак белгиларда намоён бўлади. Шунинг учун ҳозирги мавжуд ирқларнинг барчасини битта турга қўшиш мумкин.

³⁹ Мирсоатова С.Т. Ўзбекистоннинг тош даври археологияси ва антропогенези масалалари. –Фарғона., 2017. –б.62.

2 БОБ. АНТРОПОГЕНЕЗ ЖАРАЁНИ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНING ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИ

2.1. Палеолит даврига мансуб илк одам манзилгоҳларининг ўрганилиши тарихи

Олимларнинг илмий фаразларига кўра, биз яшаб турган Ер сайёраси 5 млрд. йил муқаддам пайдо бўлиб, дастлаб унда ҳеч қандай ҳаёт бўлмаган. Ер тарихи геологик жиҳатдан архей, палеозой, мезозой ва кайнозой эраларига бўлинади. Архей эрасининг охирида Ерда жуда оддий тирик мавжудотлар, палеозойда сувда ва қуруқликда яшовчи ҳайвонлар, мезозойда судралиб юривчилар пайдо бўлади. Ер тарихининг кайнозой эрасида эса сут эмизувчи ҳайвонлар тарқалади. Бу эра, ўз навбатида, учламчи ва тўртламчи босқичларга бўлиниб, учламчи босқич 50-60 млн., тўртламчи босқич 3-3,5 млн. йилни ўз ичига олади.

Тўртламчи босқич бошларида иқлим ҳозиргига нисбатан иссиқроқ бўлиб, Периней яриноролидан Хитойгача бўлган ҳудудлар субтропик, Осиёнинг жануби ва Африканинг катта қисмида эса тропик минтақалар эди. Учламчи босқичнинг охири ва тўртламчи босқичнинг бошларида мазкур ўлкаларда маймунларнинг хилма-хил турлари яшаган.

Биз фан томонидан исботланган, одамнинг ҳайвонот дунёсидан узок вақт давом этган ривожланиш жараёни оқибатида ажралиб чиққанлиги ҳақидаги фикрга ёндашамиз. Одамнинг олий типдаги маймунсимон аجدодлар билан боғлиқлиги ҳақидаги ғоя Ч.Дарвинга тааллуқли бўлиб, у эвалютсион жараён натижасида одам ҳудди шу одамсимон маймундан келиб чиққанлигини таъкидлайди⁴⁰. Яъни, маймуннинг одамга айланишида асосий омиллардан бири – табиий сараланиш ва жинсий танланишдир, деган назарияни илгари суради. Жамиятшунос олимлар маймуннинг одамга айланиши жараёнида асосий омиллардан яна бири – меҳнат эканлигини кўрсатиб ўтади.

⁴⁰ Природа и древний человек. – М., Мысль, 1981 с 65

Биз юқорида, ер тарихи кайназой эрасининг тўртламчи босқичида одамзод пайдо бўла бошлаганлигини айтган эдик. Учламчи босқич бошларида иқлим ҳозиргига нисбатан иссиқроқ бўлиб, Пиреней ярим оролидан Хитойгача бўлган майдонлар субтропик минтақалар эди. Мазкур ўлкаларда тўртламчи босқич бошларида ҳайвонларнинг, шунингдек, маймунларнинг хилма хил турлари яшаган. Улар орасида одамсимон маймунлар ҳам бўлиб, улар одамнинг энг қадимги аجدодлари ҳисобланган. Улар дриопитек, рамапитек, австролопитеклар бўлиб, шулардан австролопитеклар одамга кўпроқ ўхшашлиги билан ажралиб турган. Дриопитеклар ҳозирги кунимиздан 15-12 млн йиллар илгари яшаган. Дриопитек – «дарахтда юрувчи одам» деб номланади. 1856 йилда франтсуз археологи Ларте Австриянинг Юқори Горанна деган жойидан ер тарихининг миотсен ётқизикларидан (бундан 5-12 млн. йил бурун) энг олий типдаги одамсимон «маймун» дриопитекларга тегишли бўлган 3 та тиш қолдиқларини топган. Дриопитек одамсимон маймунлар турига киради. Олимлар унинг мия суягини ҳажмини ўлганда 600 см³ бўлганлигини қайд этади.⁴¹

Ҳозирги кунда дунёнинг ҳар хил жойларидан дриопитекларнинг 10 дан ортиқ турлари топиб ўрганилган. Ч.Дарвин Австрия топилмасини ўрганиб унинг тишларида одамзод тишларига хос белгилар борлигини исботлади. Ч.Дарвин дриопитекда одамзоднинг аждодини кўра билди. Дарвин яратган таълимотга кўра барча дриопитеклар одамзоднинг аждоди бўла олмайди. Ундан қолган из сўнгги (Юқори Гераннадаги) си авлод изи бўлган. Рамапитеклар ҳам одамсимон маймунлар турига мансуб бўлиб, унинг қолдиқлари Африка, Ҳиндистон ҳудудларидан топилган. Рамапитеклар 12-7 млн. йиллар илгари яшаган.

⁴¹ Дробышевский С.В. Эволюция мозга человека: Анализ эндокраниометрических признаков гоминид.: М.: КомКнига. 2007 с 75

Австролопитеклар кейинги тур бўлиб, улар одамга кўпроқ ўхшаган ва ҳозирги кунимиздан 3 млн. йиллар илгари яшаган. Уларнинг мия суягининг ҳажми 600-700 см³ бўлиб, австролопитеклар икки оёқда тик турган, ўсимлик ва гўшти овқат сифатида истеъмол қилган. 1924 йилда Жанубий Африка ҳудудларидан одамзоднинг илк аждоди бўлган австролопитекнинг суяклари топилган. Олимлар унга «Жанубий одам» деб ном беришган.

Ер қаърининг плютсен (бундан 3-4 млн. йил олдин) ётқизикларидан олимларнинг хулосасига кўра, дриопитек энг олий типдаги одамсимон «маймун» бўлса, австролопитек эса «маймунсимон» одам вакили бўлган. Австролопитек одамзоднинг ҳайвонлар олаmidан одамлар дунёсига ўтишда кўйилган биринчи қадами эди.

1960 йилда археолог Луис Лики Шарқий Африканинг Олдувай дарасидан одамзоднинг қадимги аждодлари суяк қолдиқларини топдилар. Олдувайда одам, ҳайвон суяклари билан бир қаторда тош қуроллар ҳам топилди. Олимлар бу эрдан топилган мавжудотни зинжантроп деб атади ва унинг яшаган даврини австролопитек ва питекантроп оралиғи деб белгилади.⁴²

Зинжантроп деб аталишига сабаб, унинг Танзаниянинг Зинжи номли қишлоғи атрофидан топилиши эди. Зинжантропларга «Хомо Хабилис» - «ишбилармон одами» деб ном берилади. Чунки у энг содда меҳнат қуролларини ясай олар эди. Зинжантроп қолдиқлари Кения ва эфиопия ҳудудларидан ҳам топиб ўрганилган. Зинжантроплар суяги топилган жойлардан ҳайвон суяклари ва тош қуроллар ҳам топилади. Африкадан «ишбилармон одамлар» топилган геологик қатламнинг санаси 3-2 млн. йиллар билан белгиланмоқда. Бу эса одамзоднинг меҳнат қила бошлаган илк аждоди питекантропга қадар зинжантроплар бўлган, деган хулосага олиб келади. Африкадан топилган ишбилармон одамлар архантроплар деб номланган. Юнонча «Архаёс» - қадимги, «антропос» - одам деган

⁴² Марков А.В. Эволюция человека. В 2 кн. кн. 1: Обезьяны, кости и гены. М.: Астрель: CORPUS, 2011. – 464 с.

маъноларни билдиради. Демак, архантроплар тошдан қурол яшаш қобилиятига эга бўлган одамзоднинг дастлабки аждодларидир.

Одамнинг келиб чиқиши ва ривожланиши масаласи билан антропология фани шуғулланади.

Антропология уч асосий бўлимга бўлиб ўрганилади:

- 1) морфология;
- 2) антропогенез ёки антропогенез;
- 3) ирқшунослик ёки этник антропология.

Морфология одамнинг жисмоний тузилишидаги белгиларнинг ёш, жинс, касб ва ташқи шароитга қараб ўзгаришини ўрганади; антропогенез (антропогенез) одам жисмоний қиёфасининг шаклланиши, меҳнат фаолияти, тили, шунингдек жамиятнинг дастлабки ривожланиши жараёнини ўрганади; ирқшунослик ирқларнинг синфий таснифи, ирқларнинг географик жиҳатдан тарқалганлиги, ирқларнинг шаклланиш тарихи билан шуғулланади⁴³.

Палеоантропология қадимги одам қолдиқларини ўрганиб, муайян даврдаги одамларнинг физиологик типлари ҳақида тасаввур ҳосил қилишда, мазкур физиологик типларнинг ўргаришида турли ижтимоий ва табиий шароитларнинг таъсири масалаларига ойдинлик киритади. Умуман олганда, бугунги кунда олимлар одамнинг пайдо бўлишини илк палеолит давридан бошлаб, сўнгги палеолитга келиб одамнинг антропологик ва тарихий ривожланиши ниҳоясига етиб, замонавий қиёфадаги одамнинг (Ҳомо Сапиенс) қарор топиши билан тугаган. Одамнинг пайдо бўлиши тарихига қизиқиш қадимдан, антик даврдан бошланганлигини кўриш мумкин. Аристотел мазкур масалани ечишга ҳаракат қилган олимлардан биридир. Айнан “антропология” атамасини ҳам Аристотел илк марта одамнинг келиб чиқишини ўрганувчи фанга нисбатан ишлатган.

XVIII асрдан бошлаб одамнинг келиб чиқиши масалаларга қизиқиш орта борган. Франсуз табиатшунос олими Жорж Луи Леклерк Бюффон (1707-1788) инсон билан ҳайвонот олами ўртасида қандайдир ўтиб бўлмас тўсиқ

⁴³ Авдусин Д.А. Основы археологии. – М., 1989.

борлигини тахмин қилган. 1735 йилда швед табиатшунос олими Карл Линней (1707-1778) ўсимлик ва ҳайвонот оламини системасини тузган ва инсонни “Биринчи қатор” га қўйган. 1758 йилда у ўз системасига ўзгартириш қилиб, унга приматлар гуруҳини – Ордо приматес (яъни биринчи ёки бошланғич маъносида) киритиб, уларни тўрт қисмга бўлади: 1) Ҳомо – одам; 2) Симиа – маймун; 3) Лемур – лемур (приматлар гуруҳига киривчи чала маймунлар оиласи); 4) Веспуртилио – кўршапалак. Ҳомо гуруҳини у яна икки гуруҳга бўлади: 1) сапиенс – “кундузги одам” ўзининг “жойига нисбатан” маданияти билан ажралиб турган. 2) Троглодйтес (троглодит) – “кечки одам”, “ўрмон одами”, “Орангутанг”⁴⁴.

Шу тариқа илк марта ҳайвонот оламида одам ўзига хос ўринга эга бўлиб, “Ҳомо сапиенс” (ақл-идрокли одам) атамаси пайдо бўлиб, бугунги кунда ҳам фанда илмий термин сифатида ишлатиб келинмоқда.

Карл Линнейданда аниқ исботни франтсуз олими Жан Батист Ламарк (1744-1829) берган. Унинг фикрига кўра, ўта ривожланган маймуннинг бир тури ўша даврда қандайдир табиий таъсир остида дарахтда яшаш қобилиятини йўқотиб, икки оёқда тик юра бошлаган. Улар ўзлари учун емиш излаб танлаган ҳолда озиқланишган. Бироқ унинг бу фикри ўша даврда ўз тасдиғини топмайди.

Эволютсион назариянинг тан олиниши Чарлз Дарвин (1809-1882) номи билан боғлиқдир. 1859 йилда Дарвин ўзининг “Табиий танланиш йўли билан турларнинг келиб чиқиши” асарида антропогенез жараёни ҳақида фикр юритади. 1871 йилда “Одамнинг пайдо бўлиши ва жинсий танланиш” асарида эса янада аниқ далиллар билан вақт, даврлар ўтиши билан босқичма-босқич одам бугунги кўринишга келганлигини таъкидлайди. Унинг фикрига кўра, Африка илк одамзод пайдо бўлган ҳудуд ҳисобланади.

Умуман олганда Ч.Дарвин илгари сурган ғоя бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

⁴⁴ Джохансон Д., Иди М. Люси. Истоки рода человеческого. – М., Мир, 1984.

Антропологик топилмалар XIX асрнинг 40-йилларидан топила бошланган. 1848 йилда Испаниянинг Гибралтар қоясидан ишчилар одам бош чаноғини топиб оладилар. Бироқ бу топилма ҳақидаги илк маълумот 1864 йилга келибгина Г.Беск томонидан матбуотда эълон қилинади.

1856 йилда Германиянинг Дюсселдорф худудига яқин Неандер водийсидаги (Неандертал) ғордан Гибралтардан топилган суякка ўхшаш бош чаноғи топилади ва тезда бутун жаҳонга маълум бўлади. Уни палеонтолог Фулрод ўрганади.

1868 йилда Франциянинг Кро-Манон ғоридан сўнгги палеолитга мансуб одам суяги қолдиқлари топилади (европеоид ирқиға мансуб хусусиятлар мавжуд).

Голланд врач ва анатоми эрнест Дюбуа 1890-1892 йилларда Ява оролида антропоид ва неандерталлар оралиғида мавжуд бўлган одам туриға мансуб суяк қолдиқларини топади. Скелетини топилиқ топиб, қайта тиклашға муяссар бўлган олим уни тик икки оёқда юрган энг қадимги одам эканлигини таъкидлайди ва уни “Питекантропус эректус” – “Тик юривчи маймунсимон одам” деб атаиди.

1901 йилда Италиянинг Грималди ғоридан одам суяги қолдиғи топилади (негроид ирқиға мансуб хусусиятлар мавжуд). Кейинги тадқиқотлар жараёнида питекантропға тегишли суяк қолдиқлари кўплаб топила бошланди.

1907 йилда Германиянинг Мауер қишлоғида, Гейделбергдан 10 км жанубда ишчилар қазилма одам суяги қолдиқларини топиб олишади. У фанда гейделберг одами номи билан машъхур. Олимлар уни питекантроп ва неандертал турлари оралиғидаги типига мансуб одам, деб ҳисоблайдилар.

1927 йилда Пекин шаҳри яқинидаги Чжоукоутян деган жойдан синантроп суяги қолдиқлари топилади. Бу манзилгоҳ канадалик олим Д.Блек томонидан ўрганилган. 25-30 м қалинлиқдаги маданий қатламға эға ёдгорлиқда архантроплар бўлиб, улар питекантропларға нисбатан анча ривожланган, бир неча мингйиллар давомида шу ерда яшашган ва буни улар

ясаган ов ва меҳнат қуроллари, улардаги ўзгарувчанлик ҳамда бир неча ўн метрлик кул қатлами ҳам буни тасдиқлайди (монголоид ирқига хос хусусиятлар мавжуд).

1935 йилда Англиянинг Сванскомб деган жойидан (Кент) Маретон аёл жинсига мансуб одам суяги қолдиқларини топади. Мазкур топилмани махсус ўрганиш учун Қироллик қўмитасида Антропология институти ташкил этилади. Олимлар ушбу топилмани *Хомо сапиенс*га яқин одам типии эканлигини тасдиқлайдилар⁴⁵.

1938 йилда Ўзбекистонда Тешиктош ғори археолог А.П. Окладников томонидан тадқиқ этилиб, неантертал типига мансуб одам суяги қолдиқларини топади. Уни қиёфасини антрополог олим М.М. Герасимов тиклаган.

1954-1955 йилларда франсуз олимлари К.Арамбур ва Р.Хофштеттер Тернифин (Жазоир) даги қазув ишлари жараёнида синантропга яқин одам суяги қолдиқлари топилади. Бу топилма атлантроп (Африканинг шимоли-ғарбидаги Атлас тоғи номидан) деб номланади. Суяк қолдиқлари билан бирга шелл ва илк ашел даврига оид тош қуроллари ҳам топилади.

1960 йилдан инглиз антропологи Луис Лики Танганикадаги (Шарқий Африка) Олдувай ғорида шелл даврига оид тош қуролларни топиш билан бирга одам суяги қолдиқларини ҳам топади. Олим уни питекантропнинг замондоши сифатида кўриб, “зинжантроп” (австралопитек – жануб одами) деб атади. *Хомо ҳабилис* деб аталган бу одам типии бундан 2,5-3 млн. йил аввал яшаган.

1963 йилда Хитой олими Ву Хуанхе дарёси ўрта оқимида Ляндян манзилидан қадимги одам қолдиғини топади. Унинг синантропга нисбатан анча қадимий бўлганлиги аниқланди. Фанда у «Ляндян архантропи» деб ном олди.

⁴⁵ Природа и древний человек. – М., Мысль, 1981.

1963 йилда Тошкент вилояти Оҳангорон туманида Мингбулоқдан ҳозирги кунимиздан 400-500 минг йиллар муқаддам яшаган синантроп турига оид қазилма одам қолдиқлари топилган.

Шундай қилиб, антропологик топилмаларни излаш ва уларни ўрганиш бугунги кунгача ҳам давом этиб келмоқда. 2000-2004 йиллар давомида Қашқадарё воҳаси Китоб тумани тоғли ҳудудларида олиб борилган тадқиқот ишлари жараёнида (Ўзбек-америка қўшма экспедицияси) Оёқчисой водийсида Ангилак ғори тадқиқ этилиб неандертал типига мансуб одамнинг оёқ суяги топилди. Бу вилоятимиз тарихидаги энг диққатга сазовор топилма бўлди.

Крамонон одами замонасига келиб илк аجدодларимизнинг биологик, жисмоний тузилиши ҳозирги замон одамидан фарқ қилмайдиган ҳолатга кирди. Крамоньонлар даври уруғчилик жамоасининг бошланиши биринчи жамоачилик куртагининг тугилишидир. Бу ўзгаришларнинг барчасига инсон ўз меҳнати туфайли эришди.

Юқорида кўрдикки, табиий танланиш ва жинсий сараланиш, шунингдек биринчи навбатда меҳнат жараёнида инсон тафаккурининг ривожланиши натижасида неандертал қиёфадаги одамлар ҳозирги қиёфадаги кишиларга айлана бордилар. Улар ҳам ақлий, ҳам жисмоний жиҳатдан камол топиб, узоқ вақт давом этган ривожланиш жараёнида ҳозирги қиёфадаги кишиларни шакллантирди ва шу билан антропогенез жараёни ниҳоясига этди. Ҳудди шу даврда европоид, негроид ва мўғул деб номланган дастлабки ирқлар вужудга келди. Инсоният ўзининг ҳозирги қиёфасига етиб келгунча 2-3 миллион йиллик катта тарихий даврни босиб ўтди. Бу кишилар фанда «ҳомо сапинес» - «ақл-идрокли одамлар», деб аталади.

Палеолит – одамнинг шаклланиш даври ҳисобланади. Бу даврда одамлар ибтидоий гала давридан уруғчилик тузумига ўтишган. Одамлар ўзлари учун тош, суяк ва ёғочдан ов ҳамда меҳнат қуроллари ясай бошлашган. Бир тошга ишлов бериш учун одам иккинчи тошни, суяк ёки

ёғочни ишга солган. Тош қуролларига ишлов бериш технологиясига қараб уларни қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин:

Олдувай босқичи (бундан 3 млн. - 700 минг йил муқаддам). Қуролларнинг содда ва оддийлигига кўра уларнинг жисмоний қиёфаси ва тафаккури ҳали етарли даражада ривожланмаганлиги билан характерланади. Бу давр учун уч хил кўринишдаги қуроллар хос. Биринчиси кўпқиррали тош қурол бўлиб, асосан ўсимликларни таналарини қиришда ва ҳайвонларни терисини шилишда ишлатилган. Иккинчиси тош учриндилар бўлиб, улар тошни тошга уриш натижасида ҳосил қилинган. Бу археологияда ретуш техникаси деб номланади.

Учинчиси чопперлар бўлиб, асосан чопқи сифатида ишлатилган. Шу билан бирга чоппенглар ҳам бўлиб, уларга икки тарафлама уриб ишлов берилиб, ушлашга жуда қулай қилиб ишланган.

Олдувай тош қуроллари орасида нуклеуслар алоҳида аҳамиятга эга. Улар тош қурол ясашда асос вазифасини бажарса-да, чоппердан ажратиш анча қийин. Олдувай қуролларининг ўлчами 8-10 см атрофида.

Бу даврда яшаган қадимги одамлар табиатдан ажралмаган ҳолда, оловни билмай термачилик ва овчилик билан шуғулланишган. Улар жамоа кўринишида яшаб, овни ҳам жамоа бўлиб уюштиришган.

Ашел даври (бундан 700-150-120 минг йил муқаддам). Ашел даврида янги тош қуроли – кўл чопқилари (ручные рубила) ва тешгичлар (кливера) пайдо бўлган. Бу давр қуроллари олдувай қуролларига нисбатан катта бўлиб, 35 см гача бўлган.

Ашел даврида одамлар овчиликка қулай муқим жойга ўрнашиб, тош қуроллар ясаладиган махсус “устахоналар” ташкил этишган. Бу даврда олов кашф этилиб, одамлар горларда яшаб, ўзларини ёввойи ҳайвонлардан ҳимоя қилишга шароит ярата бошлаганлар. Жинслар ўрасида тақсимот вужудга кела бошлаган: эркаклар овчилик билан, аёллар эса “уйда” оловни сақлаш, болаларга ва қарияларга ғамхўрлик кўрсатишган.

Мусте даври – ашелдан кейинги, хронологик жихатдан музликнинг ресс боскичига мувофиқ келадиган даврдир. Бу боскич бир неча 10 минг йиллар давом этган бўлиб, тахминан 40 минг йиллар бурун тугаган ва у Франтсиядаги Мустье ғор-макони номи билан аталган.

Мусте маданияти – неандертал одамлар ҳаёти, фаолияти, маиший муносабатларининг акс этишидир. Бу даврда неандерталлар кенг территорияга ёйилган, табиат билан илк палеолит одамларига нисбатан фаолроқ муносабатга киришган. Табиий шароит совуб, Европа, Осиё, Америка шимолий вилоятларининг катта қисмини улкан музликлар қоплаган. Шарқий Европа ҳудудларига ҳам муз қатламлари силжиган (унинг марказий Скандинавия бўлган) ва қалинлиги 2 км.ни ташкил этган. Ҳатто мустье боскичида Ўрта ва Ғарбий Сибирни улкан музлик қатлами қоплаган. Шимоли-шарқда эса маркази Чукотка бўлган музлик қоплаган. Умуман, миллион км² ни муз қоплаб, бу жой инсон фаолият кўрсата олмайдиган ҳудудга айланган.

Мусте даврида – мамонтлар, шимол буғилари ва бошқа ҳайвонлар кенг тарқалган. Музликнинг силжиши натижасида об-ҳавонинг совуши қадимги одамларни табиий шароитга мослашишига туртки бўлади. Қадимги одамлар табиатнинг даҳшатли синови (совуғи) га чидаш учун яшаш заруриятининг турли формаларини топишга ҳаракат қилади. Бу ҳаракат (совукдан сақланиш, кийим кийиш, эҳтиёжни қондириш) натижасида инсоният ўз тараққиётида ҳал қилувчи асосий қадамлардан бирини ташлади.

Инсоннинг ривожланиш жараёнида онгнинг тараққий этиши асосий ҳал қилувчи омиллардан биридир. Мусте даврида яшаган ва антропогенез жараёнида 2 чи асосий ҳал қилувчи боскич ҳисобланган – неандерталлар дунёни билиш, табиат тўғрисида, ундаги ўзгаришлар ва реал воқеаларча муносабат борасида маълум фикрга кела бошлади. Ўз фаолияти давомида билимга эга бўлиш ва фикрлаш кўникмаларини секин-аста эгалланиши одамни (инсонни) ривожлантиради. Натижада табиатдаги воқеаларнинг сеҳрли туюлиши таъсирида дастлабки диний тасаввурлар пайдо бўлади.

Яъни хайратланиш, ўзгаришларни сеҳр сифатида идрок этилиши мурдаларни кўмиш – чуқур ковлаш, мурда ёнига унинг қуролларини қуйилиши ва хақозолар «нариги дунё» ёки руҳ хақидаги тушунчаларни пайдо бўлганлигидан далолат беради.

Мусте даврида табиатнинг кескин ўзгариши одамлар фаолиятида, хаётида катта муаммоларни келтириб чиқарди. Аввалги иссиқ иқлим ўрнига муз совуғи - ҳавонинг кескин ўзгариши яшаш заруратини қийинлаштирди. Кўплаб одамлар совуқдан қирилиб кетади. Табиат билан курашиб, мол териларидан кийимлар тикиб, очиқ манзилгоҳлардан баланд ғорларга жойлашган одамлар жон сақлаб янги шароитга кўника бошлаган.

Ғорларга жойлашган одамларни узоқ вақт коллектив меҳнат фаолияти боғлаб келган. Уларнинг асосий хўжалик машғулоти – овчилик бўлиб, у эҳтиёжни қондиришдаги асосига айланди. Одамларнинг биргаликда яшаши ва унинг заруриятга айланиши («коллективда» ёки ғор ичида) ички маиший муносабатларни шаклланишига олиб келади.

2.2. Антропогенез жараёнининг тугалланиши ва унинг тарихий аҳамияти

Мусте босқичи ибтидоий жамият ишлаб чиқарувчи кучлари ривожланишида катта аҳамият касб этади. Чунки бу даврда ўзининг ишлаб чиқариш функцияларига кўра турли туман бўлган тош қуроллар пайдо бўлади. Ҳозирги кунда мусте маданият қуролларининг 60 тури топиб ўрганилган. Чакмоқтош қуроллар яшашнинг янги техникаси мусте даврида кенг ёйилди. Қуроллар яшашнинг янги усули ёрма техника деб аталади. Бу усул орқали тош қуролнинг бош томони уриб учирлиб, текис майдонга ҳосил қилинади. У зарб майдончаси деб аталади. Шундай майдонча ҳосил бўлгандан кейин унинг четларидан аввалги техника усули воситаси билан ҳосил қилиш мумкин бўлмаган юпка тош парчаларини бирин-кетин учирлиб олишга имкон туғилган. Тош парракчалар учирлиб олиниб бўлгач, ниҳоят тош

бўлагидан бошқа учуриб бўлмайдиган, ташқариси тарашланган ўзак қолган. Бу ўзак нуклеус бўлиб, уриб учуриш учун ишлатиладиган яхлит тош эса ушатгич деб аталган. Мусте учун икки асосий қурол тури: ўткир учли қуроллар ва тарашлагичлар характерли бўлиб, улар уч бурчакли пластинкалардан ясалган; бу пластинкалар янги синдириш техникасини кўлланиб, диск (гардиш) шаклидаги нуклеусларга (ядро) отбойник (тош) билан уриб ҳосил қилинган. Қисқа ва кенг қуроллар тайёрланган. Ўткир учли қуролнинг асосий ишни бажарадиган қисми-ўткир чўққиси, тарашлагичнинг асосий қисми эса уч бурчакли пластинканинг ёйсимон тагидир. Мусте даврида шакли жиҳатдан тарашлагичга ўхшаб кетадиган бўлса ҳам, лекин ишни бажарадиган четидаги чуқурчаси билан фарқ қиладиган ўроқ ранда пайдо бўлган. Бу асбоб билан рандалашган, пўстлоқни шилиб олишган. Қуроллар кўпинча четлари ўткир, юпқа бўлақларга ёрилиши мумкин бўлган қаттиқ чакмоқтошдан ясалган. Табиатда чакмоқтош кенг тарқалган. Сўнгги мустеда ахён-ахёнда истисно тариқасида суякдан қуроллар ясала бошлаган. Энг қадимги одамлар ҳар нарсани эяверадиған бўлганлар: ўсимликлардан тайёрланган ва гўштли овқатлар истеъмол қилган. Одамзоднинг тонгида ўсимлик озиқ-овқатлар кўпроқ истеъмол қилинган бўлса керак. Одамлар бундай озиқ-овқатни табиатдан тайёр шаклда олишган. Улар ўсимлик илдизларини, меваларини, замбуруғларни истеъмол қилган.

Демак, мусте ўзига хос археологик босқич бўлиб, у милоддан аввалги 100-40 минг йилликларни ўз ичига олиб, кишилиқ маданияти ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлган.

Мусте даврига келиб инсон ташқи қиёфасида жиддий ўзгаришлар рўй бера бошлаган. Архантроплар палеоантропларга (неандерталлар) айланиб, баъзи маймунга хос белгилар сақланиб қолган бўлса-да, уларнинг фикрлаш доираси кенгайиб, нутқ пайдо бўла бошлаган.

Мусте даврида тош қуролларга ишлов беришнинг ўзига хос технологияси вужудга келган. Нуклеусларда зарб майдончаси жуда аниқ олинганлиги аниқ сезилади. Биргина зарб билан тошнинг юқори қисми

синдириб олинган ва натижада зарб майдончаси ҳосил қилинган. Натижада тошнинг четларидан турли кўринишдаги учриндиларни олиш имкони туғилган. Бундай нуклеуслардан кўпинча учринди ҳосил қилинган.

Мусте даври тош қуролига ишлов бериш технологиясига эътибор каратадиган бўлсак, инсон онги ва тафаккурининг ўсиши натижасида тош қуролининг кераксиз, ишлатишда халақит берадиган жойлари олиб ташланган, яъни тарашланган.

Мусте даврига келиб тош қуролининг асосий шакллари – учринди пичоқ ва қирғичлар пайдо бўлган. Учринди пичоқ кесишга ишлатилиб, ов қуроли ҳисобланган. Қирғич эса асосан хўжалик қуроли бўлиб, терига ишлов беришда ишлатилган. Шу билан бирга қўл чопқилари ҳам сақланиб қолган. Умуман олганди мусте даврида тош қуролининг 60 га яқин тури мавжуд бўлган.

Тош қуроли билан бирга суякдан ясалган қуроли ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Суякдан қилинган қуролини ўрганиш жараёнида одамлар уларни оддийгина синдириш ёки у ёқ, бу ёғини йўниш билан чекланганлар. Чунки суякларга ишлов бераётганда уларнинг ҳаммаси ҳам қовурға ёки курак суяги сингари эгилувчан, эластик хусусиятга эга бўлмаган ёки ушлаб туриб йўнишга мослашмаган. Тош даврига тааллуқли суяк қуроли асосан жағ суягидан, қозиқ тишлар, мамонт ва филларнинг тишлари, суяклар, шохли ҳайвонларнинг шохларидан ясалган.

Суякдан тош қуроли ясалиши жараёнида уларга тош қуроли билан ишлов берилган. Суякни маълум бир шаклга киритиш учун 200 гр ёки 500 гр чакмоқтошдан фойдаланилган. Тош билан уриб синдирилган суякнинг тиғли тарафидан пичоқ ёки бигиз сифатида ишлатилган. Мамонт ёки филнинг ён тишларига ишлов бериш ёки уни синдириш анча меҳнат ва кучни талаб этган.

Мусте ёдгорликлари Марказий Осиё ҳудудларида кенг ўрганилган. Мусте ёдгорликларини ўрганиш 1938 йилдан бошлаган бўлиб, ҳозирги кунда Марказий Осиёда 300 га яқин мусте маконлари аниқланган. Унинг 100 га

яқини археологлар томонидан кенг ўрганилган. Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон ҳудудларида мустъе ёдгорликлари мавжуд. Ўрта тош асри - мусте даври археологик ёдгорликлари Ўзбекистон ҳудудида ҳам мавжуд бўлиб, бу даврда яшаган аждодларимиз антропогенез шажарасида неандертал одами номи билан маълумдир⁴⁶.

Ўзбекистонда мусте даври ёдгорликларига Тешиктош, Обираҳмат, Хўжакент, Амир Темур ғори, Қизилқум, Зирабулоқ каби жой маконларини киритиш мумкин. Ўзбекистонда топилган мусте даври ёдгорликлари ичида Тешиктош ғори алоҳида аҳамиятга эга. Тешиктош ғори 1938 йилда А.Окладников томонидан ўрганилган. Тешиктош ғоридан 9 яшар боланинг мозори - қабри топилган. Бола склети чуқурча қазиб унга чалқанчасига ётқизилган. Қабрнинг атрофи ҳайвон шохлари (6 жуфт) билан ўралган. Ғорда калин кул қатлами мавжуд бўлиб, унинг орасидан турли ҳайвон суяклари топилган. Ғорда неандертал одамлари яшаган бўлиб, уларнинг асосий машғулоти овчилик бўлган.

Тешиктош ғор-макони Сурхондарё вилояти Бойсунтоғ туманидаги Бойсун тоғининг жанубий ёнбағридаги Тургандарёнинг Завлаташгансой дарасида, денгиз сатҳидан 1500 м баландда жойлашган. Ғор шимоли-шарққа қараган, кенлиги 20 м, чуқурлиги 21 м, баландлиги 9 м. Олиб борилган қазув ишлари натижасида 5 та маданий қатлам борлиги аниқланган. Маданий қатламлардан 2859 та тошдан ясалган меҳнат қуроллари, гулхан излари ва кул қолдиқлари, тоғ эчкиси, буғу, ёввойи от, айиқ, қуён, кемирувчи ва паррандаларнинг суяк қолдиқлари топилди. Тешиктошдан топилган топилмалар орасида 25 см чуқурликда неандертал типдаги одам суяги қолдиқлари топилди. Бу топилмани машъхур антрополог олим М.Герасимов ўрганиб чиқиб, унинг тахминий қиёфасини тиклаган. Тешиктошликлар асосан овчилик ва қисман термачилик билан шуғулланганлар⁴⁷.

⁴⁶ Амальрик А.С., Монгайт А.Л. Что такое археология. – М., 1966.

⁴⁷ Мартынов А.И. Археология СССР. – М., 1973.

Омонқўтон ғор-макони Самарқанд вилоятидаги Зарафшон тоғ тизмасининг ғарбий ёнбағрида жойлашган Омонқўтон қишлоғи яқинида жойлашган. Ғорнинг кенглиги 1,5 м, баландлиги 0,9 м, чуқурлиги 25 м. Ғор-маконнинг маданий қатламларидан қирғич, пайкон, пластинкалар, нуклеуслар, қўл чопқилари, Осиё муфлони (архар), кўнғир айиқ, тоғ эчкиси суяги, гулхан қолдиқлари топилган. Бу ерда яшаган қадимги одамлар асосан овчилик ва термачилик билан шуғулланишган.

Обираҳмат ғор-макони Тошкент шаҳридан 100 км шимили-шарқда, Ғарбий Тянь-Шан – Чотқол тизмасидаги Палтов сойининг юқори соҳилиди жойлашган. Қазув ишлари жараёнида 21 та маданий қатлам мавжуд эканлиги аниқланди. Кўплаб тош қуроллар, ҳар хил ҳайвонлар суяклар, гулхан ва кул қолдиқлари топилган. Ундан 10 м қалинликда 21 та маданий қатлам топилади. Маданий қатламлардан оҳак тошли чакмоқтошдан ясалган меҳнат қуроллари, нуклеуслар, парракчалар, қирғичлар топилган. 30 мингдан ортиқ тош учриндиларидан тайёрланган пичоқлар мавжуд бўлган.

Олимларнинг фаразларига кўра, бу ёдгорликда одамлар бундан 120-40 минг йил муқаддам истиқомат қилишган.

Хўжакент манзилгоҳи Тошкент шаҳридан 80 км шимоли-шарқда, Чирчиқ дарёсининг чап соҳилидаги Хўжакент қишлоғи яқинида жойлашган. Ғор шимоли-ғарбга қараган, баландлиги 2,5 м, кенглиги 6 м, чуқурлиги 4 м. Ғордан ишлов берилган неклеуслар, қўл чопқилари, парракчалар, тешгич-бигизлар топилган бўлиб, одамлар милоддан 100-40 минг йиллар илгари яшаганлар ва асосан термачилик ҳамда овчилик билан шуғулланганлар.

Кўбулоқ жой-макони Оҳангарон дарёсининг ўнг ирмоғидан бири – Қизил олма сойининг ўрта оқимида, Ангрен шаҳридан 10-12 км ғарбда жойлашган Облиқ қишлоғидан 5 км шимоли-ғарбда жойлашган. Бу ёдгорлик кўп қатламли бўлиб, унда архантроплар, неандерталлар ва кромонёнлар яшашган. Кўлбулоқ 41 та қатламдан иборат бўлиб, 4-8 қатламлари мусте даврига тааллуқлидир.

Қўтирбулоқ макони Самарқанд вилояти, Каттақўпғон туманидаги Чархин қишлоғидан 700-800 м узоқда жойлашган очиқ манзилгоҳдир. Бу ердан кўплаб пайконлар, қирғичлар, чоппинг, чоппер, ясси нуклеуслар, фил, тур, буғу, ёввойи от, Бухоро буғуси суяги қолдиқлари, гулхан ва кул қолдиқлари топилган.

Мусте даври ёдгорликлари нафақат очиқ манзилларда, балки ғорларда, шунингдек тош конлари бўлган устахоналарда ҳам аниқланган. Юқорида келтирилган манзиллардан ташқари Тошкент воҳасида Хўжакент ғори, Самарқанддаги Омонқўтон, Такалисой, Зарафшонда Учтут, Ижонд тош конлари ҳам археологлар томонидан ўрганилган.

Одамларнинг меҳнат фаолияти ва унинг кенгая бориши, атроф-муҳит ҳақидаги тушунчаларга эга бўлиши уларнинг фикрини ўзгартиради. Мусте даври одамлари табиат ҳодисалари бўлган кун билан тун алмашиши, момақалдирик, вулқон отилиши, zilзила ва бошқалар ҳақида бош қотирган ва уларга сиғинганлар. Ҳатто улар туғилиш, ўлим ва нариги дунё каби тушунчаларга ўзларини муносабатини билдирган. Масалан, Тешиктош ғоридан топилган қабрда дафн этилган бола қандай фалокатга учраганини кўриш мумкин: 9-10 ёшли бола йиртқич ҳайвон ови пайтида қоятошдан ёки бошқа шароитда йиқилган ва оғир жароҳат олиб ҳалок бўлган. Бола жасади қабрга қўйилиб, атрофига архар шоҳларини қадаб қўйилган. Архар шоҳлари уларнинг эътиқодича ўлган одамни нариги дунёда муҳофаза қилади. Мусте одамлари бу даврда табиатдан ташқари кучларга ишонган. Инсонни ўраб турган муҳитда руҳларнинг мавжудлигига ишониш фанда анимизм деб аталади. У диний тасаввурларнинг дастлабки куртаги ҳисобланади.

Бундан 40 минг йиллар илгари кишилик жамияти тарихида юқори палеолит деб аталувчи давр бошланади. У хронологик жиҳатдан археологик даврлаштиришда милоддан аввалги 40-12 минг йилликлар билан белгиланади. Юқори палеолит одамнинг замонавий жисмоний типини шакллантирган, ибтидоий тўда даври вайроналарида кишилик жамиятининг дастлабки бўғини ибтидоий жамоани таркиб топтирган, тош қуроллар

ишлашда янги ютуқларни вужудга келтирган даврдир. Ибтидоий тўдадан ибтидоий жамоага ўтишда тошдан меҳнат қуроллари яшаш техникасида, ибтидоий хўжалик шаклларида, ибтидоий одамнинг турмуш тарзида, уларнинг ижтимоий муносабатларида, дунёқарашида, ҳатто одамнинг жисмоний тузилишида ҳам кескин ўзгаришлар юз берди.

Юқори палеолит даврида одамлар муз даврининг совуқ иқлимида яшаган. Мусте даври охирларида музликнинг чекиниши, катта ҳудудларда тундра табиати шароитидаги ўсимликлар ўса бошлашига имкон берган. Шунингдек жанубий, музлик этиб бормаган ўлкаларда ҳавонинг исиши натижасида ўрмонлар кўпайиб, турли дарахтлар кенг тарқалган.

Юқори палеолитда йирик ҳайвонлар – мамонтлар, буғулар, жунли каркидонлар, ёввойи отлар мавжуд бўлиб, улар палеолит даври одамларининг эҳтиёжини қондириш манбалари ҳисобланган. Аммо об-ҳавонинг кескин ўзгариши табиатда йирик ҳайвонларнинг камайишига олиб келган. Юқори палеолит даври охирларида мамонт каби йирик ҳайвонлар йўқ бўлиб кетади. Бу ҳодиса одамларнинг яшаш шароитида маълум ўзгаришлар бўлишига сабаб бўлади.

Юқори палеолит моддий маданияти ўз хусусиятлари ва ишланиш усули билан олдинги тош қуроллар даврига нисбатан анча такомиллашади. Яъни бу давр тош қуроллари тўғри ва узун шаклда бўлиб, асосан пичоқ сифатида ишлатилган. Шунинг учун археологияда юқори палеолит қуроллари пичоқсимон қуроллар деб аталади. Қуроллар кесувчи ва шилувчи хусусиятларга эга бўлади.

Юқори палеолит моддий маданиятида кўзга ташланадиган муҳим хусусиятлардан бири-қурол яшашда янги хом-ашё – суякдан кенг фойдаланиш эди. Масалан, суякдан гарпунлар, игналар ясалган.

Табиат билан узоқ вақт яшаш зарурати учун курашган инсон катта ҳаёт тажрибасига эга бўла бошлади. Чунки, илк палеолит мўътадил ҳавоси, ўрта палеолит музлиги ва сўнгги палеолит совуғи одамни яшаш учун курашга ўргатди. Натижада одамлар эҳтиёж туфайли ўзларига қулай бўлган

худудларга ўрнаша бошлади. Маълумки, муз қоплаган даврда (гинтс, вюрм, рис ва мендел босқичларида) одамлар совуқдан сақланиш учун тоғ ён бағирларида ёки баланд тоғларда мавжуд бўлган ғорларда яшаган. Музликнинг ортга силжиши натижасида улар водийлар, дарё бўйлари паст текисликларга силжиб, ўз маконларини қурган.⁴⁸

Юқори палеолит маконларида ўрганилган хўжалик юритиш воситалари олдинги даврга нисбатан юқорида даражадаги ижтимоий ҳаёт бўлганлигидан гувоҳлик беради. Хўжаликнинг асосий машғулоти – овчилик бўлиб, у бу даврда эркаклар ва аёллар ўртасидаги меҳнат тақсимотига олиб келади.

Эркаклар овчилик машғулоти, аёллар эса теримчилик машғулоти билан шуғулланган. Эҳтиёжни қондириш аёллар зиммасида бўлган. Яъни кийим тикиш, болалар тарбияси, овқат пишириш, мураккаблашаётган хўжаликни бошқариш, уйни ва муқаддас олов - ўчоқни асраш, меҳнат қуролларини қўриқлаш каби масъулиятли вазифа ҳам аёллар зиммасида эди.

Юқори палеолит даврининг энг муҳим сифат ўзгариши - бу ибтидоий жамоанинг шаклланиши эди. Дастлаб жамоа оналар атрофида пайдо бўлади. Қон-қардошлик ҳисларини англаган кишилар гуруҳи уруғларни ташкил этади. Бу давр кишилари уруғ-уруғ бўлиб, ягона бошпана остида эмас, балки алоҳида ўзларига тегишли қуроллар ва ўчоқлари бўлган манзилларда яшаган.

Уруғчилик тузумининг дастлабки босқичи - матриархат деб, унинг асосчиси ва пойдевори бўлган оналар номи билан аталди. Биз юқорида сўнгги палеолитда аёллар ва эркаклар ўртасида меҳнат тақсимоти рўй берганлигини айтган эдик. Аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги мавқеи уларга юклаган вазифаларда намоён бўлади. Яъни хўжаликни бошқариш, уйни, муқаддас оловни асраш ва ҳақозолар.

Маълумки, палеолитнинг сўнгги босқичига ибтидоий тўдада гуруҳли, тартибсиз никоҳ муносабатлари ҳукмрон эди. Аммо юқори палеолит даврида оила-никоҳ муносабатлари тартибга солина бошлади.

⁴⁸ Технология производства в эпоху палеолита. – Л., 1983

Шуни таъкидлаш жоизки, бир-бирлари билан қариндошлик иплари бир бўлган, келиб чиқиши жиҳатидан бир уруғдан тарқаган одамлар гуруҳида никоҳ бобида «гуруҳли никоҳ» тизими ҳукмронлик қилади. Гуруҳли никоҳ одатига кўра ота номаълум қолади. Қон-қариндошлик она уруғи доирасида расмийлашади. Бир уруғнинг эркаклари иккинчи уруғнинг аёллари билан жинсий алоқада бўлади. Табиийки, аниқ шерик билан жинсий алоқа қилиш хали йўлга қўйилмайди. Аниқ шерик билан алоқа қилиш ҳуқуқи ҳам аёллар ихтиёрида бўлади. Уруғ ичидаги никоҳ ўрнига уруғлар орасидан никоҳ муносоталарига ўтилади. У фанда экзогамия деб аталади.⁴⁹ Жамиятда уруғлар ўртасида гуруҳли никоҳлар сақланиб, авлод она уруғи орқали давом этадиган бўлади. Бу эса ўз навбатида онанинг ўрни ва унинг ижтимоий ҳаётдаги ролини мустаҳкамлайди. Юқори палеолитда секин-аста жуфт оилалар ҳам пайдо бўла бошлайди. Одамларнинг онги ва дунёқараши ўсиб боради. Улар қон-қардошлик ҳисларини англаб, эҳтиёжни биргаликда қондириш учун бирлашишга интиладилар.

Юқори палеолитда бир неча уруғлар қариндошлик муносабатларини ўрнатади. Бу муносабатлар дастлаб уруғлар орасидаги гуруҳли никоҳ орқали шаклланиб, унинг асосида янги уруғга нисбатан кўлами кенг бўлган жамоат ташкилоти - қабилаларни вужудга келтиради. Қабилалар уруғлар иттифоқи бўлиб, улар ўзига хос жамоа ташкилоти эди. Қабилалар ўз ҳудуди ва ов қилиш жойларига эга бўлади.⁵⁰

Юқори палеолит кишилари овчилик, теримчилик ва балиқчилик каби хўжалик машғулотлари билан шуғулланган. Овчилик хўжаликнинг асоси бўлиб, меҳнат ва ов қуроллари орасида ўткир учли найзанинг кашф этилиши овдан келадиган кундалик тирикчилик даромадини кўпайишига олиб келган.

Юқори палеолитнинг яна бир хусусиятли томони шундаки, бу давр одамлари ўзларига яшаш учун доимий кулбалар қуришни кашф этдилар.

⁴⁹ Семёнов Ю.И. Происхождение брака и семьи. М., 1974 с25

⁵⁰Первые люди. – М., Мир, 1978. С 45

Улар дастлабки ертўлалар, ярим ертўла ва чайла шаклидаги кулба (уй) лар эди. Уйлар одатда айлана, ярим айлана шаклида бўлиб, уларнинг ўртасида албатта ўчоқ жойлашган. Бир ўчоқли кичкина кулбалар билан бир қаторда бир неча ўчоқли, йирик узунчоқ шаклдаги кулбалар ҳам кенг тарқалади. Бу ўчоқларда қалин кул қатлами, озиқ-овқатларнинг қолдиқлари ҳозирги кунимизгача сақланиб қолган.

Юқори палеолитнинг энг катта ютуғи – антропогенез жараёнининг тугалланиши ва ҳозирги қиёфадаги одамларнинг шаклланиши эди. Одам ўзининг ривожланиш жараёнида «маймун одам» (питекантроп) дан «ишбилармон одам» (хомо хабилис) га сўнгра «онгли одам» (Ҳомо Сапиенс) даражасига етди. Ҳозирги қиёфадаги одам фанда «крамонон одами» деб аталади. Улар юқори палеолит даврида Осиё ҳудудларини, Европанинг юқори ҳудудларини эгаллаган, Беринг бўғози орқали Америка қитъасига, Жанубий-шарқда Ҳиндихитой, Индонезиядан Австралияга, Тасманияга ва Тинч океани оролларига силжиган ва ўрнашган.

Юқори палеолитда ҳозирги замон типидagi одамнинг шаклланиши бир вақтнинг ўзида европа, негр ва мўғул ирқларининг пайдо бўлишига олиб келган. Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, одамлар ўртасидаги ирқий тафовут - бу инсон ҳаёти ва унинг табиат сирларини билиб олиш қобилияти билан боғлиқ бўлмаган иккинчи даражали ташқи кўриниш белгиларидир. Улар бир-бирларидан терисининг ранги, соч ва кўзларининг шакли ва ранги, мускулларининг узун-калталиги, бош суягининг шакли ва бошқа белгилари билан фарқ қилади. Уларнинг барчаси учун питекантроп, синантроп ва неандартал тараққиёт босқичларини ўтиш жоиз бўлган ва одамзоднинг “Ҳомо Сапиенс” босқичини уч ирқнинг ҳар бири бир даврда босиб ўтилган. Европа ирқи одамлари асосан, Европа ҳудудларида яшаган. Улар баланд бўйли, қоматли, бош суяги ва юзи узунчоқ, терисини ранги оқ, кўзлари кўк, сочлари сариқ бўлиб, Европанинг мавжуд табиий шароити бу типнинг ана шундай аломатлар билан шаклланишини таъминлаган. Палеолитнинг сўнгги босқичи 3 даврга бўлиб ўрганилади:

- 1.Ориньяк даври;
- 2.Солютре даври;
- 3.Мадлен даври.

Бу даврлар археологлар томонидан Франциядан дастлаб топиб ўрганилган маконлар номи билан аталган. Юқоридаги босқичлар Европа палеолити сўнгги босқичига хос бўлиб, бошқа ҳудудларга тўлиқ мос келмайди. Аммо моддий маданиятдаги хусусиятлар барча минтақа ва ҳудудлардаги ёдгорликлар учун умумийдир.

Ориньяк ва солютре даврлари бир-бирига жуда ўхшаш, тош қуроллар ўртасида катта тафовутлар йўқ. Аммо тош қуроллар шаклан озрок фарқланади. Бу босқичлар мил. авв. 40-12 минг йилликларга мансуб. Ориньяк босқичига қуйидаги қуроллар мансуб: тош парракчаларнинг турли шаклдаги турлари (узунчоқ, тўғри, пичоқсимон, ялпоқ ва қиррали), кесиш хизматини бажарувчи ҳақиқий тош пичоқлар. Ориньякда меҳнат қуроллари 2 турга бўлинган бўлиб, улар тош кесгич, тош қирғичлар эди. Тош қуроллар қиррали ва ёйсимон шаклда бўлган. Ориньяк ва мусте даврлари ўртасида муҳим ўртоқлик ва уруғчилик жамияти ташкил топади.

Салютре даврида тошга ишлов беришнинг ўзига хос усули – эзиб ретушлаш, яъни йўниш усулидан кенг фойдаланилган. Унда мусте давридаги тош қурол яшашда пайдо бўладиган дисксимон тош ўзак – _услеус ўрнига узунчоқ шаклдаги ядро ҳосил қилинади. Энди тошдан учирма усули ўрнига эзиб ретушлаш усулидан фойдаланиб, кескир, қиррали пичоқсифат узунчоқ қуроллар ясалади. Натижада, тош қуролнинг тури ва вазифаси кенгайди. Улар кесувчи, арраловчи, шилувчи, тешувчи хусусиятларга эга бўлади.

Юқори палеолитнинг сўнгги босқичи мадлен даври ҳисобланади. Мадлен даврига келиб тош қурол билан бирга суякдан ясалган қуроллар ҳам ишлатилади. Дастлаб, суякдан ясалган кўп тишли қармоқ (гарпун) лар пайдо бўлади. Тош қуроллар орасида чакмоқтошдан ясалган найза учлари кенг тарқалган. Айни шу даврга келиб одамзот ҳам антропологик ҳам ижтимоий жиҳатдан шаклланди. Бу эса янги турмуш тарзига ўтилиши билан

характерланадиган ҳолат саналади. Янгича турмуш тарзи эса одамнинг уруғ жамоаларига бирлашувидир.

3 БОБ. АНТРОПОГЕНЕЗ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДАГИ ЙЎНАЛИШ ВА ТАЛҚИНЛАР

3.1. Антропогенез масалаларини XVIII-XIX аср олимлари томонидан ўрганилиши тарихшунослиги

Тош даври энг узоқ давом этган тарихий давр ҳисобланиб, қадимги одамлар томонидан мазкур даврда асосий меҳнат қуроллари тошдан ясалган. Тош даври милодгача ИВ минг йилликкача давом этган.

Тош даври археологияда қадимги (палеолит) ва янги (неолит) тош даврларига бўлинади. Шунингдек, палеолитдан неолитга ўтиш даврини бири-бирига боғловчи ўрта тош даври (мезолит) га ҳам бўлинади.

Тош даврида инсоният ривожланишининг натижаси ўлароқ кўплаб йирик кашфиётлар қилинган. Улар сирасига оловни олиш ва ундан фойдаланиш, кийим-кечак тайёрлаш, уй-жой қуриш, камоннинг кашф этилиши, турли меҳнат, ов ва балиқчилик қуролларининг ясалишини алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин. Тош даврининг охирига келиб одамлар турли идишлар ясашни, мато тайёрлашни ўрганадилар. Шунингдек, турли нарса буюмлар, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг фойдали томонларини ҳам ўзлаштирадилар. Энг диққатга сазовор жиҳати деҳқончилик ва чорвачиликнинг вужудга келиши, яъни меҳнат тақсимооти бўлди.

Палеолит даври тош даврининг энг қадимги даври бўлиб, бундан 2,5 млн.дан 14 минг йилликкача бўлган давр киради.

Палеолит даври ўз навбатида 3 босқичга бўлинади: қуйи ёки илк палеолит (2,5 млн. – 150 мингйиллик), ўрта палеолит (150 минг йилликдан – 40 минг йилликгача) ва юқори ёки сўнгги палеолит (40 – 14 минг йилликлар)⁵¹.

⁵¹ Каменный век на территории СССР. – М., Наука, 1970, с 35

Илк палеолит даврида инсоният тарихида табиат катта аҳамиятга эга бўлган. Инсон ва уни ўраб турган табиат ўртасидаги доимий муносабатлар узлуксиз жараён шаклини олган.

Илк палеолитда биологик жиҳатдан – табиий сараланиш ва жинсий танланиш, меҳнат жараёнида архантроплар (дастлабки одамлар) ўтмишдошларидан жуда узоқлашиб кетадилар. Меҳнат қуролларини ясаш, кўлнинг меҳнат фаолияти учун бўшаши, уни алоҳида вазифалар бажариши, гўштли овқатнинг истеъмол қилиниши ва бошқа ижтимоий ва табиий омиллар туфайли одамзод ривожланиб борган.

Илк палеолитнинг дастлабки даврида Жанубий ва Ўрта Европада иқлим субтропик, Жанубий Осиё ва Африкада эса тропик бўлиб, иссиқсевар ҳайвонлар кенг тарқалган. Масалан, Европада филлар, бегемотлар, примитив (Стенон отлар) отлар; Осиёда эса ибтидоий хўкизлар, каркидонлар, зебра пайдо бўлган. Ўсимликлар эса ҳамиша яшил рангда бўлган. Жанубий ва Марказий Европа ҳудудларида шамшод, дафна, анжир; Европанинг бошқа ҳудудларида эса қалин, кенг баргли дарахтлардан ташкил топган ўрмонлар тарқалган. Осиё ва Африка ҳудудларида ҳам иссиқсевар ўсимликлар кенг тарқалган.

Илк палеолитда дастлабки одамлар Шимолий Африка, Европа ва Осиё ҳудудларида яшаган. Милоддан аввалги 600-400 минг йилликларга келиб, улар Марказий Осиё, Кавказорти ҳудудларига ҳам ўрнашади⁵².

Илк палеолит даврида яшаган ибтидоий одамлар тош қуроллар ясаган ва улардан ўзларининг меҳнат фаолиятларида фойдаланган. Бу даврнинг асосий қуроли – чўқмор бўлиб, у 20 см узунликда ва 1 кг дан ортиқ оғирликда, кўпинча бодомсимон шаклда бўлган. Чўқмор чопқи деб ҳам аталади. Чўқмор шёлл даврининг асосий қуроли бўлиб, у икки томонлама симметрияли қилиб, уриб тўғрилаш техникаси (усули) билан ясалган. Чўқморнинг пастки қисми тошни кертиб ишлаш техникаси (усули) билан ясалган бўлиб, у ўткирланган, четлари нотекис, эгри-бугри шаклга эга

⁵² Алексеев В.П., Першиц А.И. История первобытного общества. Из-во Астрель, М.: 2007. – 350.

бўлган. Ҳар қандай тош шёлл даври қуролини яшаш учун яроқли бўлмаган. Тош қаттиқ ва тез учирмалар ҳосил қилиш имконини бериши керак эди. Шунинг учун ҳам, дастлаб қуроллар яшаш учун асосий хомашё вазифасини дарё ва денгиз тошлари бажарган. Денгиздан, дарёчалардан кварц, кремен тошлари олиб келиниб, улардан қуроллар ясалган. Илк палеолитда чакмоқтошлардан ҳам кўплаб тош қуроллар ясалган. Улар бошқа тошларга нисбатан мўрт бўлсада турли шаклга келтирилиб, ўткир, кескир хусусиятга келтирилган. Аммо чакмоқтошлар табиатда кўп учрамаган. Чакмоқтошлардан қуроллар яшаш куйидагича амалга оширилган: дастлаб чакмоқтош олинган бўлиб, унинг атрофи бошқа бир тош билан (у қаттиқроқ бўлган ва тош учиргич - болға вазифасини бажарган) уриб учирилган. Унинг ўрни эса кескир ва ўткир шаклга айланган. Тош қуроллар яшашнинг ушбу усули – тошни кертиб ишлаш техникаси деб аталиб, ушбу усул билан шёлл даврида дастасиз чўқморлар ясалган⁵³.

Шуни таъкидлаш керакки, ашел даври хронологик жиҳатдан шёлл давридан катта фарқ қилмасида, ашел қуроллари шёлл қуролларига нисбатан хийла тараққий этган. Ашел қуролларида тош узоқдан учриндилар олинган жой маълум шаклга эга бўлган. Яъни бу даврда одамлар тош қуролларни қулайроқ шаклга келтира олган. Учбурчак шаклдаги, узунчоқ, думалоқ ва бошқа шаклдаги қуроллар ҳосил қилинган. Ашел даврида айрим қуролларнинг шакли уни ишлатиш хусусиятига боғлиқ бўлган.

Сўнги ашелда табиат кескин ўзгара бошлайди. Ўсимликлар, ҳайвонот дунёси, иқлимнинг ўзгариши ибтидоий одам хўжалигига ҳам таъсир этади. Иқлимнинг ўзгариши ер юзини улкан музликлар қоплаши билан характерланади. Музлик – одамнинг пайдо бўлиши даври бўлган кайнозой эрасининг тўртламчи босқичида силжий бошлайди. Музлик изларини олимлар мўтадил иқлим минтақаларида ўрганганлар. Тропик зоналарда

⁵³ Kabirov J., Sagdullayev A. O'rta Osiyo arxeologiyasi. – T., 1990.

музликнинг силжиши плювиа даврини (плювиа-ёмғир) шакллантирган. Масалан, бу даврда Сахрои Кабирдан дарёлар оққан.

Ашел даврида Шимолий Америка худудлари деярли музлик билан қопланган. Жанубий Америкада музлик анча ичкарига кириб борган. Европанинг катта ва Осиёнинг бир қисмини музлик эгаллаган. Музликнинг маркази Гренландия бўлган. Музлик палеолит даврида бир неча миллион кв.км. ни ташкил этган. Унинг баландлиги 1-2 км дан ортиқ бўлган⁵⁴.

Олимлар тўрт маротаба муз силжиб келган деган фикрни илгари суради. Музликнинг силжишини гинтс, миндел, ресс ва вюрм деб босқичларга бўлганлар. Бу терминлар Алп тоғидаги қишлоқлар номидан келиб чиққан. Бу қишлоқларда музликлар ва музлик ётқизиқлари бирин-кетин қатламланган бўлиб, унинг излари XX асрнинг ўрталаригача сақланиб қолган. Гинтс ва миндел музлиги Ўрта Европа худудларига етиб келган. Ресс эса янада кенгроқ худудларни қоплаган. Сўнгги ашел даври эса хронологик жиҳатдан ресс музлигидан олдинги босқич бўлган. Музликнинг силжиб келиши натижасида совуққа чидамсиз ҳайвонлар қирилиб кетади. Уларнинг кўп қисми жанубий худудларга қараб силжиди. Музлик билан курашиш воситалари кам бўлганлиги учун кўплаб ибтидоий одамлар совуққа бардош бера олмаган.

Шелл ва ашел маконлари очиқ турдаги маконлар бўлиб, улар чақмоқтош хом ашёлари мавжуд бўлган очиқ жойларда, тепаликларда жойлашган. Ибтидоий одамлар ўз эҳтиёжини қондириш мақсадида бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юрган. Улар табиатдаги тайёр маҳсулотларни ўзлаштириб, ҳаёт кечирган. Овчилик ҳам улар ҳаётида асосий ўринда бўлган. Одамларнинг энг қадимги машғулоти - теримчилик ва ов-ўзлаштирувчи хўжалик деб номланади⁵⁵.

⁵⁴ Палеолит СССР. Ранний палеолит Азиатской части СССР. Поздний палеолит Азиатской части СССР /Археология СССР. Отв. ред. П.И. Борисовский. – М., 1984.

⁵⁵ Sagdullayev A. Qadimgi Oʻrta Osiyo tarixi. – T., 2004.

Alikseyev V. Ibtidoiy jamiyat tarixi . - T.,1991. 380 b

Шелл даврида яшаган одамлар аста-секин ер юзининг кўплаб худудларига ўрнаша бошлаган. Ашел даврида улар шимолий худудларга караб силжиган. Ашел давридан одамлар сунъий маконларда яшашга ҳаракат қилади. Дастлабки сунъий маконлар - ғорлар эди. Қадимги одамларнинг ғорларга жойлашиши ва ўрнашиши билан одамлар кўчманчи ҳаётдан ўтрок кун кечиришга ўта бошлади. Ибтидоий тўда ичида аёллар ва эркеклар ўртасидаги меҳнат тақсимланади. Яъни эркеклар озуқа топиш зарурати туфайли кўпроқ овга интилган бўлса, аёллар ғорни кўриқлаш, бу даврда ўзлаштирилган оловни ўчирмасдан сақлашга ҳаракат қилишган.

Бу давр озуқалари – ейиш мумкин бўлган ўсимлик томирлари, ўсимлик мевалари, ҳайвон гўштлири эди. Янги кўникмаларнинг пайдо бўлиши ва ўзлаштирилиши ижтимоий муносабатларни ривожлантиради. Илғор жараёнларнинг ривожланишига оловдан фойдаланиш кучли туртки беради. Табиат билан курашиш воситаларини топилиши бундан кейинги кишилиқ маданияти тараққиётининг бевосита натижаси бўлади. Чунки одамзодни ҳалокатдан сақлаб қолган восита - меҳнат кўникмаси эди. Сўнгги ашелда одамзод оловдан табиий ҳолда фойдаланган. Чунки ўт - олов совуқдан, йиртқич ҳайвонлардан сақланиш учун зарур эди.

Бу даврда ибтидоий одамлар турар жойларга ҳам зарурат сеза бошлади. Чунки иқлим совуқ, ҳаво нам бўлиб, одамлар ғорларни эгаллашга киришади. Аста – секин ҳайвон териларига эҳтиёж туғилади. Бу даврда хўжалиқ ҳаёти юритилишида ҳам ўзгаришлар пайдо бўлади. Ўзлаштирувчи хўжалиқни асосий шакли бўлган теримчилик ўзининг ҳал қилувчи аҳамиятини йўқота бошлади. Сабаби, совуқ иқлимда табиатда учрайдиган дарахт мевалари, ўсимлик томирлари камёб бўлиб қолади. Натижада ҳайвонларни овлашнинг аҳамияти ортади. Аста - секин овлаш усуллари ишлаб чиқилади.

Овчиликда ёғоч найзалар, чакмоқтош қуроллар ишлатила бошланади. Янги шароит ва яшаш зарурати эҳтиёжни қондириш йўлларини излаш

(куролларни мукаммаллаштириш, теридан кийим тикиш), куроллар эволюциясида янгиликларни пайдо бўлишига олиб келади⁵⁶.

Палеолитнинг илк босқичи излари археологлар томонидан ер юзининг кўплаб ҳудудларидан топиб ўрганилган. Бу даврда яшаган питекантроп (маймун одам), синантроп (Хитой одами), гейделберг (Германия одами) типдаги одамлар тузилиши жиҳатидан одам билан (одамсимон) маймун ўртасидаги ҳолатда бўлганлар. Улар юқорида айтилгандек, тўда бўлиб, яшаган, сўзлашишни билмаган, тошга ишлов беришнинг шелл ва ашел техникаларидан фойдаланган. Энг қадимги одамлардан питекантроп излари Ява оролида, Синантроп излари Хитойда топилган. Шелл ва ашел маданияти қолдиқлари Олд Осиё, Кавказorti, Қора Денгиз, Осиё ва Африка ҳудудларида ҳам сақланиб қолган.

Маълумки, Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистон ҳудудида энг қадимги одамлар илк палеолит даврида тахминан мил. авв. 700-500 минг йиллар олдин пайдо бўлган. Ўзбекистон ҳудудида яшаган одамлар Жануби-шарқий ва Шарқий Осиёнинг энг қадимги одамлари бўлган «Синантроп» - «Хитой одамлари» га яқин бўлган⁵⁷.

Марказий Осиё ҳудудларидан ибтидоий кишиларнинг энг қадимги тош даври ёдгорликлари топилган. Кўлбулоқ, Учтут, Бўриқазиган, Танирқазиган, Онарча, Қоратангир, Қизқалъа, Янгажа, Такали, Камар, Учбулоқ, Қоратоғ, Ҳаволанг ва бошқа маконлар археологлар томонидан ўрганилган.

Кўлбулоқ макони Тошкент вилояти Ангрен шаҳри яқинида Қизилолма сойининг чап соҳилида жойлашган. Кўлбулоқ макони фанга 1963 йилдан маълум. Макон дастлаб археолог М.Р. Қосимов томонидан ўрганила бошланган. Кўлбулоқ 41 қатламли ёдгорлик бўлиб, унинг юқори қатламлари сўнгги тош ва мусте даврларига оид, қуйи қатламлари ашель даврига мансубдир. Макондан кўплаб чакмоқтошлар, кварц, сланеслардан ясалган куроллар топилган. Нуклеуслар, парракчалар, кўл чопқилари, содда тош

⁵⁶ Марков А.В. Эволюция человека. В 2 кн. кн. 1: Обезьяны, кости и гены. М.: Астрель: CORPUS, 2011. – 464 с.

⁵⁷ Исламов У.И. Культура каменного века Центральной Ферганы. – Т., 1986.

киргичлари ҳам топилган бўлиб, улар ишланиш техникаси жиҳатидан ўзига хос хусусиятларга эгадир. Кўлбулоқ маконида яшаган ибтидоий одамлар овчилик ва теримчилик билан шуғулланган. Кўлбулоққа аجدодларимиз бундан 200 минг йиллар бурун келиб ўрнашган. Бу эрда архантроплар, синантроплар ва кромоньон типигаги одамлар яшаган.

Кўлбулоқ маконида 2002 йилдан тадқиқот ишлари қайта бошланди. ЎзР ФА Археология институти Тошкент бўлими, ЎзМУ олимлари томонидан олиб борилган тинимсиз изланишлар натижасида 10.000 га яқин бирламчи ва иккиламчи ишлов берилагн тош қуроллар ўрганилди. 2003 йилнинг 3 октябрида Кўлбулоқ макони моддий манбалари асосида Халқаро илмий конференция ўтказилди. Ҳозирги кунда Кўлбулоқ маконига давлат томонидан муҳофаза этиладиган «Тарихий қўриқхона» мақоми берилган.

Ўзбекистонда Жанубий Фарғонадаги Селунғур ва Тошкент вилоятидаги Болтағор маконларида ҳам ашел даври тош қуроллари топилагн. Селунғур ғори маданий қатламларидан энг қадимги одам - архантроп тиш парчалари топилган. Фанга Селунғур ғори 1958 йилдан маълум. Дастлаб ғор-макон академик А.П. Окладников томонидан ўрганилган ва у сўнгги полеолит даврига оид деган фикр билдирилган. 1980 йилда академик Ў.И. Исломов ғорда қайта қазиш ишларини ўтказиб, кўплаб тош қуроллар, ҳайвон суяклари қолдиқларини топади. Ў.Исмоилов ғорни ашел даврига мансублигини илмий асосда исботлайди⁵⁸.

Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон одамзоднинг илк бор пайдо бўлган минтақалар қаторига қўшилди.

1955 йилда Тошкентдан 15 км ғарбда Шоимкўприк деб номланган жойда Қорақамиш сувининг бўйида ашел даврига мансуб маданий қатламлар ўрганилган. Маданий қатламлардан кўплаб тош қуроллар топилган бўлиб, улар ҳозирги кунда Ўзбекистон Давлат Тарих Музейида сақланмоқда.

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида, Фарғона водийсининг Қайрағоч қишлоғи яқинидаги Боқирғон дарасида, Исфайрам сойида, Палман

⁵⁸ Исламов У.И. Культура каменного века Центральной Ферганы. – Т., 1986.

қишлоғи яқинида, Хўжахайр сойининг ўнг соҳилида, Навоий вилоятининг Учтут қишлоғи яқинидаги Воуш тоғининг ён бағрида жойлашган маконлар (Ижонд-Воуш) да, шунингдек, Жанубий Туркменистон ҳудудларида ҳам илк полеолит даври ибтидоий одамларнинг излари ўрганилган.

Умуман олганда илк полеолит даври одамлари тошдан қурол ясаб, уни ишлатиб ва қуролларни такомиллаштириб борган сари, ўзлари ҳам ривожланиб борганлар. Бундан 400-500 минг йиллар илгари «шелл» ва «ашелл» маданиятини яратган, дастлабки тош қурол - чўқмор ясаш орқали кишилиқ маданиятига асос солган одамлар яшаш учун қулай бўлган ҳудудларда ўрнашган. Улар ўз фаолияти изларини оддий ёдгорликлар бўлган қадимги маконлар ва улардаги маданий қатламларда қолдирганлар. Ўрта Осиё, жумладан ҳозирги Ўзбекистоннинг географик шароити ибтидоий одамларнинг яшаш учун жуда қулай бўлган ва бу даврда унинг кенг ҳудудларида одамлар яшаб, яратувчанлик фаолиятларини бошлаганлиги шубҳасиздир.

Жанубий Қозоғистон ҳудудида ҳам илк палеолит даврига оид бир қанча ёдгорликлар очиб ўрганилган. Такали, Бўриқазиган, Танирқазиган, Камар ва Шабакти шулар жумласидандир⁵⁹.

Такали жой-маконлари Қоратоғ тизмаси ёнбағирларида жойлашган ёдгорликлар мажмуаси ҳисобланади. Бу ердан йирик тош чопқилар, йирик учриндилар ва юмалоқ тошлардан иборат жами 300 дан ортиқ тош қуроллари топилган. Олимларнинг фикрига кўра, Такали тош қуроллари илк тош асрининг сўнгги босқичи – ашелл-мустье даврига, яъни мил. авв. 300-100 минг йилликларга мансубдир.

Қирғизистон ҳудудида ҳам илк тош даврига оид ёдгорликлар топиб ўрганилган. 1953 йилда Он Арча деган жойидан мил. авв. 300-100 минг йилликларга мансуб чакмоқтошдан ясалган қўл чўқморлари, нуклеуслар, учринди ва бошқа тош парчалари топилган.

⁵⁹ Григорьев Г.П. Начало верхнего палеолита и происхождение Homo Сapiенс. – Л., 1968 с 56

Тоҷикистонда археологлар ва геологларнинг ҳамкорлигидаги тадқиқотлари натижасида Қоратоғ И, Лоҳутий И ва Ҳаволанг каби жой-маконлари топилди.

Қоратоғ И жой-макони Душанбе шаҳридан 50 км жануби-шарқда, Ўтаган қишлоғидан 1 км жануби-шарқда жойлашган. Бу ердан қирғич, тешгич, чоппер, учриндилар, тош парчалари, нуклеуслар, қайроқ тошлар, кўпол тош чопқилари топилган.

1947 йилда машҳур археолог олим А.П. Окладников Туркменистоннинг жанубий қисмида, Копетдоғ этакларидан илк тош даврига оид ёдгорликларни тадқиқ этган. Яганжа ва Қора Тангер шулар жумласидандир.

Мусте даврининг ўрганилиши Ўрта Осиё ҳудудида Тешиктош ғорининг очилиши билан боғлиқ. Бугунги кунгача мусте даврига оид 100 дан ортиқ ёдгорликлар очиб ўрганилган. Ўрта Осиёнинг энг машҳур мусте ёдгорликларига Тешиктош, Омонқўтон, Обираҳмат, Хўжакент, Кўлбулоқ, Қўтирбулоқ, Учтут, Қайроққум, Оғзикичик, Оқжар, Қора-Бура, Тоссар ва бошқаларни киритиш мумкин⁶⁰.

Тешиктош ғор-макони Сурхондарё вилояти Бойсунтоғ туманидаги Бойсун тоғининг жанубий ёнбағридаги Тургандарёнинг Завлаташгансой дарасида, денгиз сатҳидан 1500 м баландда жойлашган. Ғор шимоли-шарққа қараган, кенлиги 20 м, чуқурлиги 21 м, баландлиги 9 м. Олиб борилган қазув ишлари натижасида 5 та маданий қатлам борлиги аниқланган. Маданий қатламлардан 2859 та тошдан ясалган меҳнат қуроллари, гулхан излари ва кул қолдиқлари, тоғ эчкиси, буғу, ёввойи от, айиқ, қуён, кемирувчи ва паррандаларнинг суяк қолдиқлари топилди. Тешиктошдан топилган топилмалар орасида 25 см чуқурликда неандертал типдаги одам суяги қолдиқлари топилди. Бу топилмани машҳур антрополог олим М.Герасимов ўрганиб чиқиб, унинг тахминий қиёфасини тиклаган. Тешиктошликлар асосан овчилик ва қисман термачилик билан шуғулланганлар.

⁶⁰ Григорьев Г.П. Начало верхнего палеолита и происхождение Homo Сapiенс. – Л., 1968.

Омонқўтон ғор-макони Самарқанд вилоятидаги Зарафшон тоғ тизмасининг ғарбий ёнбағрида жойлашган Омонқўтон қишлоғи яқинида жойлашган. Ғорнинг кенглиги 1,5 м, баландлиги 0,9 м, чуқурлиги 25 м. Ғор-маконнинг маданий қатламларидан қирғич, пайкон, пластинкалар, нуклеуслар, қўл чопқилари, Осиё муфлони (архар), кўнғир айиқ, тоғ эчкиси суяги, гулхан қолдиқлари топилган. Бу ерда яшаган қадимги одамлар асосан овчилик ва термачилик билан шуғулланишган.

Обираҳмат ғор-макони Тошкент шаҳридан 100 км шимили-шарқда, Ғарбий Тянь-Шан – Чотқол тизмасидаги Палтов сойининг юқори соҳилиди жойлашган. Қазув ишлари жараёнида 21 та маданий қатлам мавжуд эканлиги аниқланди. Кўплаб тош қуроллар, ҳар хил ҳайвонлар суяклари, гулхан ва кул қолдиқлари топилган.

Олимларнинг фаразларига кўра, бу ёдгорликда одамлар бундан 120-40 минг йил муқаддам истиқомат қилишган.⁶¹

Хўжакент манзилгоҳи Тошкент шаҳридан 80 км шимоли-шарқда, Чирчиқ дарёсининг чап соҳилидаги Хўжакент қишлоғи яқинида жойлашган. Ғор шимоли-ғарбга қараган, баландлиги 2,5 м, кенглиги 6 м, чуқурлиги 4 м. Ғордан ишлов берилган неклеуслар, қўл чопқилари, парракчалар, тешгич-бигизлар топилган бўлиб, одамлар милоддан 100-40 минг йиллар илгари яшаганлар ва асосан термачилик ҳамда овчилик билан шуғулланганлар.

Кўбулоқ жой-макони Оҳангарон дарёсининг ўнг ирмоғидан бири – Қизил олма сойининг ўрта оқимида, Ангрен шаҳридан 10-12 км ғарбда жойлашган Облиқ қишлоғидан 5 км шимоли-ғарбда жойлашган. Бу ёдгорлик кўп қатламли бўлиб, унда архантроплар, неандерталлар ва кромонёнлар яшашган. Кўлбулоқ 41 та қатламдан иборат бўлиб, 4-8 қатламлари мусте даврига тааллуқлидир.

Кўтирбулоқ макони Самарқанд вилояти, Каттақўрғон туманидаги Чархин қишлоғидан 700-800 м узоқда жойлашган очиқ манзилгоҳдир. Бу ердан кўплаб пайконлар, қирғичлар, чоппинг, чоппер, ясси нуклеуслар, фил,

⁶¹ Alikseyev V. Ibtidoiy jamiyat tarixi . - T.,1991. 380 b

тур, буғу, ёввойи от, Бухоро буғуси суяги қолдиқлари, гулхан ва кул қолдиқлари топилган⁶².

Мусте даврига оид ёдгорликларда олб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, мусте неандерталлари ғорларда ҳам, улкан мамонт суякларидан қилинган турар жой – чумаларда ҳам яшаганлар. Мазкур даврда одамлар оловни сақлабгина қолмай, балки ёғочни бир-бирига ишқалаш йўли билан ёки чакмоқтошни бир-бирига уриш натижасида олов ҳосил қилишган.

Ўрта палеолит даври одамларининг асосий машғулоти мамонт, бисон, буғу, тоғ эчкиси, архар ва бошқа ҳайвонларни овлаб кун кўриш бўлиб, овчилик улар ҳаётида муҳим ўрин тутган. Овчилар чакмоқтош, ўқ қадалган найзалар, гавронлар билан қуролланган эдилар. Лекин термачилик ҳам улар хўжалик ҳаётининг асосини ташкил этган.

Мусте даври кишилари неандерталлар ҳисобланиб, ҳали уларнинг ташқи қиёфасида маймунга хос белгилар бирмунча сақланиб қолган эди. Уларда ҳозирги қиёфадаги кишиларга ўтиш жараёни бораётган, ишлаб чиқариш қуроллари такомиллашаётган, нутқ маданияти ўса бориб, фикрлаш анча ошган, олов сунъий тарзда яратила бошланган. Мазкур даврда ибтидоий тўдадан уруғчилик тузумига ўтила бошланган. Шунингдек, бу даврда мурдаларни сунъий тарзда қовланган қабрга кўмиш биринчи бор қўлланилганки, бу анча мураккаб ғоявий тушунчалар пайдо бўлганлигидан далолатдир.

Олимларнинг илмий фаразларига кўра, биз яшаб турган Ер сайёраси 5 млрд. йил муқаддам пайдо бўлиб, дастлаб унда ҳеч қандай ҳаёт бўлмаган. Ер тарихи геологик жиҳатдан архей, палеозой, мезозой ва кайнозой эраларига бўлинади. Архей эрасининг охирида Ерда жуда оддий тирик мавжудотлар, палеозойда сувда ва қуруқликда яшовчи ҳайвонлар, мезозойда судралиб юривчилар пайдо бўлади. Ер тарихининг кайнозой эрасида эса сут

⁶² Палеолит СССР. Ранний палеолит Азиатской части СССР. Поздний палеолит Азиатской части СССР /Археология СССР. Отв. ред. П.И. Борисовский. – М., 1984.

эмизувчи ҳайвонлар тарқалади. Бу эра, ўз навбатида, учламчи ва тўртламчи босқичларга бўлиниб, учламчи босқич 50-60 млн., тўртламчи босқич 3-3,5 млн. йилни ўз ичига олади.

Тўртламчи босқич бошларида иқлим ҳозиргига нисбатан иссиқроқ бўлиб, Периней яриноролидан Хитойгача бўлган ҳудудлар субтропик, Осиёнинг жануби ва Африканинг катта қисмида эса тропик минтақалар эди. Учламчи босқичнинг охири ва тўртламчи босқичнинг бошларида мазкур ўлкаларда маймунларнинг хилма-хил турлари яшаган.

Биз фан томонидан исботланган, одамнинг ҳайвонот дунёсидан узок вақт давом этган ривожланиш жараёни оқибатида ажралиб чиққанлиги ҳақидаги фикрга ёндашамиз. Одамнинг олий типдаги маймунсимон аجدодлар билан боғлиқлиги ҳақидаги ғоя Ч.Дарвинга тааллуқли бўлиб, у эвалютсион жараён натижасида одам ҳудди шу одамсимон маймундан келиб чиққанлигини таъкидлайди⁶³. Яъни, маймуннинг одамга айланишида асосий омиллардан бири – табиий сараланиш ва жинсий танланишдир, деган назарияни илгари суради. Жамиятшунос олимлар маймуннинг одамга айланиши жараёнида асосий омиллардан яна бири – меҳнат эканлигини кўрсатиб ўтади.

Биз юқорида, ер тарихи кайназой эрасининг тўртламчи босқичида одамзод пайдо бўла бошлаганлигини айтган эдик. Учламчи босқич бошларида иқлим ҳозиргига нисбатан иссиқроқ бўлиб, Пиреней ярим оролидан Хитойгача бўлган майдонлар субтропик минтақалар эди. Мазкур ўлкаларда тўртламчи босқич бошларида ҳайвонларнинг, шунингдек, маймунларнинг хилма хил турлари яшаган. Улар орасида одамсимон маймунлар ҳам бўлиб, улар одамнинг энг қадимги аجدодлари ҳисобланган. Улар дриопитек, рамапитек, австролопитеклар бўлиб, шулардан австролопитеклар одамга кўпроқ ўхшашлиги билан ажралиб турган. Дриопитеклар ҳозирги кунимиздан 15-12 млн йиллар илгари яшаган. Дриопитек – «дарахтда юрувчи одам» деб номланади. 1856 йилда франтсуз

⁶³ Природа и древний человек. – М., Мысль, 1981 с 65

археологи Ларте Австриянинг Юқори Горанна деган жойидан ер тарихининг миотсен ётқизикларидан (бундан 5-12 млн. йил бурун) энг олий типдаги одамсимон «маймун» дриопитекларга тегишли бўлган 3 та тиш колдикларини топган. Дриопитек одамсимон маймунлар турига киради. Олимлар унинг мия суягини ҳажмини ўлганда 600 см³ бўлганлигини қайд этади.⁶⁴

Ҳозирги кунда дунёнинг ҳар хил жойларидан дриопитекларнинг 10 дан ортиқ турлари топиб ўрганилган. Ч.Дарвин Австрия топилмасини ўрганиб унинг тишларида одамзод тишларига хос белгилар борлигини исботлади. Ч.Дарвин дриопитекда одамзоднинг аждодини кўра билди. Дарвин яратган таълимотга кўра барча дриопитеклар одамзоднинг аждоди бўла олмайди. Ундан қолган из сўнгги (Юқори Гераннадаги) си авлод изи бўлган. Рамапитеклар ҳам одамсимон маймунлар турига мансуб бўлиб, унинг колдиклари Африка, Ҳиндистон худудларидан топилган. Рамапитеклар 12-7 млн. йиллар илгари яшаган.

Австролопитеклар кейинги тур бўлиб, улар одамга кўпроқ ўхшаган ва ҳозирги кунимиздан 3 млн. йиллар илгари яшаган. Уларнинг мия суягининг ҳажми 600-700 см³ бўлиб, австролопитеклар икки оёқда тик турган, ўсимлик ва гўшти овқат сифатида истеъмол қилган. 1924 йилда Жанубий Африка худудларидан одамзоднинг илк аждоди бўлган австролопитекнинг суяклари топилган. Олимлар унга «Жанубий одам» деб ном беришган.

Ер қаърининг плютсен (бундан 3-4 млн. йил олдин) ётқизикларидан олимларнинг хулосасига кўра, дриопитек энг олий типдаги одамсимон «маймун» бўлса, австролопитек эса «маймунсимон» одам вакили бўлган. Австролопитек одамзоднинг ҳайвонлар олаmidан одамлар дунёсига ўтишда қўйилган биринчи қадами эди.

⁶⁴ Дробышевский С.В. Эволюция мозга человека: Анализ эндокраниометрических признаков гоминид.: М.: КомКнига. 2007 с 75

1960 йилда археолог Луис Лики Шарқий Африканинг Олдувай дарасидан одамзоднинг қадимги аждодлари суяк қолдиқларини топдилар. Олдувайда одам, хайвон суяклари билан бир қаторда тош қуроллар ҳам топилди. Олимлар бу эрдан топилган мавжудотни зинжантроп деб атади ва унинг яшаган даврини австролопитек ва питекантроп оралиғи деб белгилади.⁶⁵

Зинжантроп деб аталишига сабаб, унинг Танзаниянинг Зинжи номли қишлоғи атрофидан топилиши эди. Зинжантропларга «Хомо Хабилис» - «ишбилармон одами» деб ном берилди. Чунки у энг содда меҳнат қуролларини ясай олар эди. Зинжантроп қолдиқлари Кения ва эфиопия ҳудудларидан ҳам топиб ўрганилган. Зинжантроплар суяги топилган жойлардан хайвон суяклари ва тош қуроллар ҳам топилади. Африкадан «ишбилармон одамлар» топилган геологик қатламнинг санаси 3-2 млн. йиллар билан белгиланмоқда. Бу эса одамзоднинг меҳнат қила бошлаган илк аждоди питекантропга қадар зинжантроплар бўлган, деган хулосага олиб келади. Африкадан топилган ишбилармон одамлар архантроплар деб номланган. Юнонча «Архаёс» - қадимги, «антропос» - одам деган маъноларни билдиради. Демак, архантроплар тошдан қурол ясаш қобилиятига эга бўлган одамзоднинг дастлабки аждодларидир.

3.2. XX аср олимлари томонидан антропогенез масалаларида чиқарилган асосий хулосалар ва уларнинг аҳамияти

Антропогенезнинг ҳозирги замон илмий назарияси эндиликда тор тармоқ соҳаси эмас, балки табиий ва ижтимоий фанларнинг туташув чегарасидаги мажмуавий фанлараро тадқиқотлардан иборат. Бугунги кунга келиб фан одамнинг келиб чиқиш жараёнини муайян даражада тиклаш имконини берувчи кўп сонли маълумотларни тўплаган. Бу муаммони ҳал

⁶⁵ Марков А.В. Эволюция человека. В 2 кн. кн. 1: Обезьяны, кости и гены. М.: Астрель: CORPUS, 2011. – 464 с.

этишда археология ва антропологиядан тортиб то молекуляр биология ҳамда атом физикасигача бўлган кўплаб фанлар иштирок этмоқда.

Ҳозирги замон таснифлари маълумотларига кўра, одам турига, умуртқалилар кичик турига, сут эмизувчилар синфига, приматлар гуруҳига, гоминоидларнинг катта оиласига, гоминидлар оиласига, *Хомо* турига мансубдир.

Одамнинг ҳайвондан келиб чиққанлигини тасдиқловчи **далиллар киёсий анатомия**, физиология, эмбриология, палеонтология, генетика фанлари берган маълумотларга суянади. Барча тирик организмларда хужайра тузилиши, одам ва ҳайвонларнинг скелетларининг ҳамда аъзоларининг ўхшашлиги, одамдаги рудиментар аъзолар (копчик умуртқалар, охири жағ тишлар, кўричак ва ҳоказо ҳаммаси бўлиб 90 дан ортиқ), атавизмлар (жабра ёриғи, тананинг тўлиқ жун билан қопланиши ва бошқалар), инсон эмбрионида ҳайвонот дунёсига хос эволюсия босқичларининг такрорланиши ва ҳоказо.⁶⁶

Одам ҳозирги замон биология фани томонидан яхши ўрганилган приматлар билан энг кўп генетик ва анатомо-физиологик ўхшашликларга эгадир. Одамнинг приматлардан келиб чиққанлиги палеоантропология томонидан ҳам қазिशмалар чоғида топилган гоминидлар ва антропоидлар шакллариини морфологик таҳлили асосида тасдиқланади. Молекуляр биологиянинг сўнгги йиллардаги ютуқлари одам билан приматларнинг насли бир эканлигини кўрсатувчи янги далилларни аниқлади. Маълумки, яқинда инсон геноми сирлари очилди ва эълон қилинди. Генетика берган маълумотларга кўра генлар бўйича биз инсоннинг ҳозир яшаётган қариндошларидан энг яқини бўлган шимпанзедан атиги 1% дан сал ортиқроқ фарққа эгамиз. ДНК молекулалари нуклеотид изчиллигининг ўзгариш тезлигига асосланган маълумотларга кўра («молекуляр соатлар» методи) бизнинг ҳозирги маймунлар билан аждодимиз бир бўлган. Уларнинг аждолари билан одамга келиб туташувчи гоминид линиянинг ажралиш

⁶⁶ Природа и древний человек. – М., Мысль, 1981. –с.20.

бундан 5-7 млн йил илгари юз берган. Агар шимпанзе назарда тутилса, у холда бу дивергенсия 5 млн йил илгари бўлган, гориллалар ва орангутанлар илдизларининг ажралиши эса ундан ҳам олдинроқ рўй берган⁶⁷.

Антропогенез назариясида топилган суяк қолдиқлари ва тош артефактларнинг санасини белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Бу ўринда физика ва химия ёрдамга келади. Замоनावий табиий-илмий усуллардан (ураннинг спонтан бўлиниши треклари бўйича санани аниқлаш, калий-аргонли, палеомагнит, термолюминесцент усуллар) антропогенезнинг мутлак хронологиясини яратишда муҳим рол ўйнайди. Археологик топилмаларнинг микротузилмасини ўрганишда физикавий-кимёвий усуллардан (рентген нурланиши, электрон микроскопия) ҳам фойдаланилади.

Сўнгги ўн йилликлардаги кашфиётлар антропогенез ҳақидаги олдинги тасаввурларни тубдан ўзгартириб юборди. Маълум бўлдики, одамнинг тик ҳолатда юришга ўтиши илгари тахмин қилганидан бир неча миллион йил олдин юз берган экан. Тошдан ясалган қуролларнинг пайдо бўлган даври ҳам миллион йил олдинга сурилди. Ҳозирга қадар мавжуд бўлиб келган «австралопитек – питекантроп-неандертал - Номо Сапиенс» шаклидаги тўғри чизиқли схемадан воз кечилди. Археологлар қайд этганларидан, антропогенезнинг ҳозирги манзараси «одамларнинг шаклланишининг бир хил ва тўғри чизиқли ғояси эмас, балки мураккаб ва кўп томонлама шаклланиш ғоясига кўпроқ яқинлашмоқда»⁶⁸.

Бугунги кунда у шохларга эга бўлган тўғри дарахт (эволюциянинг боши берк чизиқлари билан) сифатида эмас, балки бута сифатида тасаввур қилинмоқдаки, унда эволюцион ривожланишнинг ҳар бир даврида гомониднинг кўплаб рақобатлашувчи линиялари ёнма-ён мавжуд бўлган. Бошқача қилиб айтганда, узоқ ўтмишда приматларнинг кўплаб турлари гоминизатсия йўлидан борган. Бу инсоннинг антропоид аجدодларига ҳам ва

⁶⁷ 5 млн йил деган маълумот 60-йиллардаёқ одам қони ва шимпанзе қони оқсиллари таҳлили асосида олинган эди. Бироқ у йилларда полеониологлар улар орасидаги бўлиниш 10-25 млн йил илгари содир бўлган деб ҳисоблар эдилар.

⁶⁸ Ларичев В.Е. Поиски предков Адама. // Мироздание и человек. М., 1990. 242 б.

шунингдек, Ҳомо турига ҳам тегишлидир. Ҳозирги биологик турдаги одам хатто ўзининг пайдо бўлиш вақтида ҳам Ҳомо турига мансуб наслларнинг вакили бўлган холос.

Фанда тўпланган маълумотлар одамнинг пайдо бўлишига олиб келувчи эволюциянинг иқлимнинг ўзгариши, ўрмонларнинг сийраклашуви ва очик майдонларнинг ҳосил бўлиши билан боғлиқ равишда бошланган ҳақидаги гипотезани тасдиқлайди. Озиқ овқат манбаларининг бўлиниши (ўрмонда ва очик майдонларда) туфайли қадимги приматларнинг бир нечта гуруҳлари ерда яшай бошлаганлар. Улар орасида олимлар 5,3 - 1,5 миллион йил илгари яшаган австралопитеклар гуруҳини (ички турини) ажратадилар. Уларни бизнинг аجدодларимизнинг умумий модели сифатида қараш мумкин.⁶⁹

Агар Ҳомо Аустралопитекус ҳабилис ва рудолфенсисларнинг одам ёки ҳайвон сифатида тасниф этилиши борасида баҳслар мавжуд бўлса, Ҳомо срестус (тик юрувчи одам)нинг чиндан ҳам Ҳомо турининг вакили эканлиги ҳеч шубҳасиздир⁷⁰.

Энг қадимги одамлар (архантроплар) **босқичи** палеантроплар (қадимги одамлар) босқичи билан алмашади. Палеантропларга 20-28 минг йил илгари яшаган неандерталларни ва архаик сапиенслар вакиллари киритиш мумкин. Неандерталларга оид энг муҳим топилмалар Германия, эрон, Фаластин ва Ўзбекистонда қўлга киритилган.

Бугунги кунда неандерталлар архаик сапиенсларга қараганда яхшироқ ўрганилган ва кўпроқ топилган. Ўзининг морфологик хусусиятларига кўра неандерталлар ҳозирги биологик турдаги одамга янада яқинлашди. Уларда миянинг ҳажм жиҳатдан ўсиши унинг тузилмасида ҳам ўзгаришлар юз беришига олиб келди. Ҳаётнинг ижтимоий-ишлаб чиқариш соҳаси ҳам ўзгаришларга учради. Дифференциаллашган иш қуроллари пайдо бўлди, уларни тайёрлаш 100 ортиқ актни ўз ичига олган бир нечта оператсиялардан

⁶⁹ Джохансон Д., Иди М. Люси. Истоки рода человеческого. – М., Мир, 1984 с 112

⁷⁰ ■

иборат жараён эди. Аёллар ва эркаклар меҳнати ўртасида дифференциация кўзга ташланди. Неандерталлар учун содда диний тасаввурлар хос бўлган деб ҳисобланади. Неандерталлар дафн қилинган гўрлар, шу жумладан, Ўзбекистон ҳудудидаги топилмалар шундан далолат беради.

Яқин даврга қадар неандерталлар ҳозирги биологик турга мансуб одамларнинг тўғридан-тўғри аجدодлари деб ҳисобланар эди. Бироқ, яқинда неандерталларнинг 28000 йил илгари яшаган вакиллариининг суяклари топилди. Бу вақтда неоантроп (ҳозирги турга мансуб одам) аллақачон пайдо бўлган эди. Бу ҳол бир вақт оралиғида Ҳомо шажарасига мансуб икки турнинг бирга яшаганлигидан далолат беради. Улар умумий аجدоддан тарқаган, неандертал ва неоантропга келиб уланувчи шажараларнинг айрилиб кетиш бундан 690 минг - 550 минг йил илгари юз берган. Неандерталларнинг ва ҳозирги типдаги одамларнинг ДНКларини тадқиқ этиш шуни тасдиқладики, неандерталларнинг генетик материали бизнинг генетик фондимизга қўшилмаган. Бошқача қилиб айтганда, неандерталлар бизларнинг қариндошларимиз, аммо аجدодларимиз эмас.

Бундан 100-150 минг йил илгари неоантроплар – ҳозирги биологик типдаги одамлар пайдо бўлади.

ХУЛОСА

Инсоният тарихининг энг муҳим, шунинг билан бирга энг узоқ давом этган босқичи тош асри ҳисобланади. Моноцентристик назарияга кўра даставвал Африка қитъасида пайдо бўлган энг қадимги гоминидар – хомо хабилислар бундан 2 млн. йиллар муқаддам Евросиё материгига тарқалдилар. Ўтмишдошларимизнинг кейинги физик типлари хомо эректуслар, неандерталлар ҳамда замонавий одамларнинг (хомо сапиенс сапиенслар) пайдо бўлиши ва таракқиётида Евросиё ҳудудлари муҳим рол ўйнади. Шу маънода ранг-баранг тош асри ёдгорликларига бой Ўзбекистон ҳудуди инсоният шаклланиши таракқиётига бебаҳо улуш қўшган масканлардан биридир.

Илк палеолит даври археологик материалларининг гувоҳлик беришича, Ўзбекистон Евросиёнинг энг қадимги антропоген жараёнлари содир бўлган ҳудудларидан бири ҳисобланади. Юртимиздаги Селунгур каби 1,5 млн. йиллар билан саналанадиган ёдгорликлар бу минтақада бармоқ билан саналарли даражада камёб ва ноёбдир. Унга тенгдош ёдгорликлар Яқин Шарқда (Убайдия) Франция (Волоней), Италия (Изерния), Испания (Атапурка), ва Грузия (Дманисси) ҳудудларидагина якка тартибда мавжуд ҳолос.

Илк палеолитнинг бошларида Ўзбекистон ҳудудларида дастлабки хомо эректуслар пайдо бўлди ва қулай табиий иқлим шароитлари ва шунга мос фауна ҳамда флора уларнинг муваффақият билан ривожланиши учун асосий омил вазифасини ўтади. Археологик, палеонтологик, палинологик, палеоантропологик ва бошқа маълумотларга кўра, юртимизда яшаган эректуслар бир неча юз минг йиллар давомида муваффақият билан таракқий этганлар, мислсиз моддий – маданий ютуқларга эришганлар.

Селунгур ғори тош индустриясининг техник-типологик таснифи шуни кўрсатдики, бундан 1,5 млн йиллар муқаддам яшаган аجدодларимиз аввал бошдан европалик тенгдошларидан фарқ қиладиган, ўзига хос Осиёча характердаги таракқиёт йўлига эга бўлганлар. Бу давр аҳолисининг

асосий машғулоти овчилик ва атрофда мавжуд бўлган, ейишга яроқли ўсимликлар меваларини термачилиги бўлган.

Хулоса қилиб айтганда антропогенез жараёни инсон пайдо бўлганидан токи сўнги палеолит даври яъни милоддан аввалги 40-12 мингйиллик охиригача давом этди. Бу улкан даврда инсон тўлиқ жисмоний жиҳатдан шаклланди. Ақлий қобилияти эса юксалиши ҳозирги замонгача давом этмоқда. Инсонларда антропогенез жараёнини ҳаракатга келтирувчи муҳим омил бу инсонларнинг меҳнат фаолияти эди. Энг қадимги инсонлар меҳнат жараёни уларнинг тана тузулишига ва ақлий қобилиятини ривожланишига энг катта таъсир қилган омиллардан бири эди. Инсонлар озиқ-овқат қидириш жараёнида табиатнинг турли ҳодисаларига дуч келганлар. Булардан Қуёш чиқиши ва ботиши, ёмғир ёғиши, момақалдирок фасллар алмашилиши ва бошқа ҳодисалар инсон эътиборини тортмаслиги мумкин эмас ади. Мана шу жараёнлар энг қадимги одамларда фикрлаш қобилиятини секин-аста шаклланишига хизмат қилган. Инсонлар тана тузулишига ҳам меҳнат фаолияти катта таъсир кўрсатган. Одамлар ов жараёнида турли ҳаракатлар қилганлар. Ов қилинаётган ҳайвон ҳаракатларига тақлит қилганлар. Буни биз сўнги палеолит даврига оид қоятош расмларидан ҳам кўришимиз мумкин. Антропогенез жараёни инсонларда табиий ҳодисаларга эътиборсиз бўлмаганликлари натижасида юз ага келган деб ўйлайман. Чунки бугунги кунда ҳам қайси инсон кўп нарсага қизиқса ва уни тушунишга ҳаракат қилса унда бошқаларга нисбатан ақлий ва жисмоний қобилияти юқори бўлиши ҳеч кимга сир эмас. Антропогенез мана шундай жараёнлар натижасида юзага келди. Бугунги кун олимлари инсонларда антропогенез жараёни ниҳоясига етган деган фикр билдирмоқдалар. Менимча эса антропогенез жараёни содир бўлган вақт ўтганидан сўнг маълум бўлади. Чунки кроманён одами яшаган даврдан бугунги кунгача 14 минг йил ўтди

Шундай қилиб, антропологик топилмаларни излаш ва уларни ўрганиш бугунги кунгача ҳам давом этиб келмоқда. 2000-2004 йиллар давомида

Қашқадарё воҳаси Китоб тумани тоғли ҳудудларида олиб борилган тадқиқот ишлари жараёнида (Ўзбек-америка қўшма экспедицияси) Оёқчисой водийсида Ангилак ғори тадқиқ этилиб неандертал типига мансуб одамнинг оёқ суяги топилди. Бу вилоятимиз тарихидаги энг диққатга сазовор топилма бўлди. Демак:

1. Одамзод табиатнинг ажралмас бир бўлаги сифатида Ер тарихининг маълум бир босқичида ҳайвонот олаmidан ажралиб чиқди. У жонивор фанда энг олий типдаги «одамсимон маймун» деб аталмоқда.

2. Аждодларимизнинг ҳайвонот олаmidан одамзод дунёсига қўйган биринчи қадами австралопитеклар даврида содир бўлди.

3. Одамзоднинг илк аждодлари зинжантроп ва питекантроплар тошни тошга уриб меҳнат қила бошлайдилар. Меҳнат одамзодни ҳайвонот олаmidан ажратди.

4. Одамзод ўзининг аждоди – синантроплар даврида оловни кашф этди ва шу туфайли аждодларимиз гўшти оловда чала пиширган ҳолда истеъмол қила бошладилар. Пиширилган гўшти истеъмол қилиш натижасида уларнинг фикрлашида ўзгариш юз берди ва одамнинг биологик, жисмоний тузилишида ҳозирги замон одами томон ижобий ўзгаришлар содир бўла бошлади.

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати

Сиёсий адабиётлар

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. «Фан». Тошкент. 1998.

Монография ва рисодалар

2. Абрамова З.А. Ранний палеолит Азиатской части СССР \\\ Палеолит СССР. М. 1984.
3. З.Алексеев В.П. Положения Тешик-Ташской находки в системе гоминид \\\ Антропологическая реконструкция и проблемы палеоэтнографии. М.: 1973.
4. Алексеев В.П. Человек. Эволюция и таксономия М.: 1985.
5. Анисюткин Н.К., Исламов У.И., Крахмаль К.А., Сайфуллаев Б.К., Хушвактов Н.О. Новые исследования палеолита в Ахангаране (Узбекистан). Санкт-Петербург. 1995.
6. Аскарлов А.А., Лев Д.Н. Древнейшие следы пребывания человека на территории Самарканда \\\ История Самарканда, т. 1. Ташкент. 1969.
7. Виноградов А.В. Охотники и рыболовы среднеазиатского междуречья. М. 1981.
8. Виноградов А.В. Неолитические памятники Хорезма. Изд-во "Наука", М.6 1968.
9. Виноградов А.В., Мамедов Э.Д. Первобытный Лявлякан: Этапы древнейшего заселения и освоения внутренних Кызылкумов. М. 1975.
10. Виноградов А.В., Итина М.А., Яблонский Л.Т. Древнейшее населения низовий Аму-Дарьи. Археолого-палеантропологическое исследование. М.: "Наука", 1986.
11. Вишняцкий Л.Б. Палеолит Средней Азии и Казахстана. Санкт-Петербург. 1996.
12. Деревянко А.П., С.В. Маркин, С.А.Васильев. Палеолитоведение: Введение и Основы Изд-ВО "НАУКА" Новосибирск, 1994.

13. Джуракулов М.Д. Самаркандская стоянка и проблемы верхнего палеолита в Средней Азии. Ташкент. 1987.
14. Джуракулов М.Д., Холматов Н.У. Мезолит и неолит среднего Зарафшана. Ташкент. 1991.
15. Исламов У.И. Обиширская культура. Ташкент. 1980.
16. Исламов У.И. Пещера Мачай. Ташкент. 1975а.
17. Исламов Г.Ф., Тимофеев В.И. Культура каменного века Центральной Азии. Ташкент. 1977.
18. Касимов М.Р. Кремнеобрабатывающие мастерские и шахты каменного века Средней Азии. Ташкент. 1972.
19. Мирсаатов Т.М. Горные разработки в эпохе камня. Ташкент. 1977.
20. Мирсаатов Т.М. Древние шахты Учтута. Ташкент. 1973.
21. Мирсоатова С.Т. Ўзбекистоннинг тош даври археологияси ва антропогенези масалалари. –Фарғона., 2017.
22. Мирсоатова С.Т. Одамнинг пайдо бўлиши (Ўқув-услубий кўрсатма). – Фарғона., 2017.
23. Окладников А.П. Исследование мустьерской стоянки и погребения неандертальца в гроте Тешик-Таш, Южный Узбекистан (Средняя Азия) \\
Тешик-Таш. Палеолитический человек. М. 1949а.

Тўпламлар ва давомий нашрлар

24. Абрамова З.А. Грот Тешик-Таш – памятник мирового значения \\
Проблемы взаимосвязи природы и общества в каменном веке Средней Азии. Ташкент. 1988.
25. Анисюткин Н.К., Исламов У.И., Крахмаль К.А., Хушвактов Н.О. Предварительные исследования долины реки Ахангаран за 1995 г. ИИМК. Санкт-Петербург.1995.
26. Батыров Б.Х., Батиров А.Р. Ископаемые млекопитающие пещеры Сел-Унгур \\
Проблемы взаимосвязи общества в каменном веке Средней Азии. Ташкент. 1988.

27. Батыров Б.Х., Батыров А.Р. Промысловые виды млекопитающих Узбекистана в эпоху камня \\\ Проблемы взаимосвязи природы и общества в э каменном веке Средней Азии. ТД посвященной 50-летию открытия Тешик-Таша. Ташкент. “ФАН”. 1988.
28. Бижанов Е.Б. Неолитические памятники Юго-Восточного Устюрта \\\ Древняя и средневековая культура Юго-Восточного Устюрта. Ташкент. 1978.
29. Бижанов Е.Б. Мезолитические и неолитические памятники Северо-Западного Устюрта \\\ Археология Приаралья. Ташкент. 1982.
30. Бижанов Е.Б. Первое неолитическое погребение на Устюрте. Ташкент. 1978.
31. Вактурская Н.Н. О поездке в Южные Кызылкумы в 1955 г. МХЭ, вып 1. 1959.
32. Виноградов А.В. Новые неолитические находки Хорезмской экспедиции АН СССР в 1957 г. МХЭ, вып. 4, 1960.
33. Виноградов А.В. Новые материалы для изучения кельтеминарской культуры. МХЭ, вып. 6. 1963.
34. Величко А.А., Кременецкий К.В., Маркова А. К., Ударцев В.П. Палеоэкология ашельской стоянки Сель-Унгур (предварительное сообщение) \\\ Проблемы взаимосвязи общества в каменном веке Средней Азии. Ташкент. 1988.
35. Величко А.А., Арсланов Х.А., Герасимова С.А., Исламов У.И., Кременецкий К.В., Маркова А. К., Ударцев В.П., Чиколини Н.И. (Советская Средня Азия) Хроностратиграфия палеолита Северной, Центральной и Восточной Азии и Америки. Новосибирск. 1990.
36. Григорьев Г.П. Тешик-Таш и мустье Средней Азии 1988 \\\ Проблемы взаимосвязи природы и общества в каменном веке Средней Азии. Ташкент. 1988.
37. Григорев Г.В. Многослойная позднепалеолитическая стоянка Корнач в Молдавии \\\ Изыскания по мезолиту и неолиту СССР. Л. 1983а.

38. Громова В.И. Плейстоценовая фауна млекопитающих из грота Тешик-Таш, Южный Узбекистан // Тешик-Таш. Палеолитический человек. М. 1949.
39. Грязнов М.П., Окладников А.П. Первобытнообщинный строй. В кн.: История Киргизии, т. 1, гл. 1. Фрунзе. 1963.
40. Гулямов Я.Г. Археологические работы к западу от Бухарского оазиса. ТИИА АН УзССР. Вып. 8. 1956.
41. Деревянко А.П., А.И. Кривошапкин, А.А. Анойкин, У.И. Исламов, Петрин В.Т., Сулейманов Р.Х., Сайфуллаев Б.К. Ранний верхний палеолит Узбекистана: Индустрия грота Оби Рахмат (по материалам слоев 2-14) // Археология, этнография и антропология Евразии 4 (8). Новосибирск, 2001.
42. Деревянко А.П., Анойкин А.А., Кривошапкин А.И., Милютин К.И., Исламов У.И., Сайфуллаев Б.К. Новые данные о палеолитических индустриях пещеры Пальтау (Республика Узбекистан) // Проблемы каменного века Средней и Центральной Азии. Изд-во Института археологии и этнографии СО РАН. Новосибирск, 2002.
43. Деревянко А.П., Исламов У.И., Петрин В.Т., Сулейманов Р.Х., Алимов К., Кривошапкин А.И., Анойкин А.А., Милютин К.И., Сайфуллаев Б.К. Исследования грота Оби Рахмат (Республика Узбекистан) в 1999 г. // Проблемы археологии, этнографии, антропологии Сибири и сопредельных территорий. Новосибирск: Изд-во ИАЭТ СО РАН, 1999.
44. Деревянко А.П., Кривошапкин А.И., Анойкин А.А., Милютин К.И., Исламов У.И., Сайфуллаев Б.К. Исследование грота Оби Рахмат (Республика Узбекистан) // Проблемы каменного века Средней и Центральной Азии. Изд-во Института археологии и этнографии СО РАН. Новосибирск, 2002.
45. Исламов У.И. Итоги и перспективы изучения пещерной стоянки Сель-Унгур // Проблемы взаимосвязи общества в каменном веке Средней Азии. Ташкент. 1988.
46. Исламов У.И. Стоянка Кушилиш // У истоков древней культуры Ташента. Ташкент. 1982.

47. Исламов У.И., Крахмаль К.А. Комплексные исследования древнепалеолитической пещерной стоянки Сель-Унгур // Раннепалеолитические комплексы Евразии. Новосибирск. 1992.

Хорижий адабиётлар

48. Bordes F. L 'Industrie mousterienne de Teshic-Tash Affinites et age probable L'Anthropologie. t. 59 № 3\4, 1955, p. ;

49. Coppens Y. Le singe, l'Afrique et l'Homme. — P.: Fayard, 1983. —140 p. The origins of modern Humans. — N.Y.: Academic Press, 1984. — 302 p.

50. Jobere J. Moustérienne en Europe. Paris. 2001 p. 36.

51. Hole F, Flannery K.V. The prehistory of southwestern Iran // RRS. 33. 1967, P. 162-163.

52. Leakey R.E., 1981. La naissance de l' Homme. Ed. du Fanal, p. 255.

53. Lordkipanidze D., Gagnepain J., 2003. La Géorgie berceau des Européens. Musée de Préhistoire de Gorges du Verdon Route de Montmeyan 04500 Quinson, p. 26.

54. Lumley H. de et al., 1984. Origine et Évolution de l' Homme. Paris, p. 93.

55. Movius H. L. Paleolithic and Mesolithic sites in Soviet Central Asia // proceeding of the American Philisophical Society. vol. 57. 1953 p. ;

56. Ranov V.A., 1993. Decouverte des civilizations d'Asie Centrale. Les dossiers d'Archeologie №185/Septembre 1993. Paris, p. 6.

57. Vandermeersch B., 1988. Dictionnaire de la Préhistoire. Universitaires de France, Paris, p. 61 et 516.

58. Wood Bernard 2002. Hominid revelations from Chad. News and views. Journal: Nature Publishing Group, p. 133.